

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ КАФЕДРАСИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ
БИЛАН ҲАМКОРЛИК ТАРИХИ: шаклланиш босқичлари ва истиқболи
(1992-2012 йй.)

Тарих факультетининг магистранти
Солиев Алмосбекнинг “Ўзбекистон
тарихи” фанидан 2012-2013 ўқув
йилида бажарган диссертацияси.

Илмий раҳбар, М.Олтинов, тарих
фанлари доктори, профессор.

Навоий – 2013 йил

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ
БИЛАН ҲАМКОРЛИК ТАРИХИ: шаклланиш босқичлари ва истиқболи
(1992-2012 йй.)**

КИРИШ.

I-боб. Ўзбекистоннинг БМТга аъзо бўлиши ва ташкилот фаолиятидаги ўрни.

- 1.1. Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги БМТга аъзо бўлишнинг сиёсий асоси.
- 1.2. БМТнинг ихтисослашган ташкилотлари фаолиятида Ўзбекистоннинг ўрни.

II-боб. Ўзбекистон Республикаси ва БМТ муносабатларининг асосий йўналишлари.

- 2.1. Ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотлардаги ҳамкорлик.
- 2.2. Ўзбекистон ва БМТ ўртасида Марказий Осиёда, барқарор тараққиёт муаммолари юзасидан ҳамкорлик.

III-боб. Ўзбекистон ва БМТ ихтисослашган муассасалари ўртасида гуманитар соҳадаги ҳамкорлик.

- 3.1. Илм-фан, таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорлик.
- 3.2. Маданият ва тарихий меросни асрашдаги ҳамкорлик.

ХУЛОСА

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигини қўлга киритганига 19 йил тўлди. Ўтган давр мобайнида мустақил мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи юксалди ва мустаҳкамланди. Ўзбекистоннинг халқаро ва минтақавий долзарб муаммоларни ҳал этиш борасида юксак минбарлардан янграган ташаббуслари мамлакатимиз 1992 йилда аъзо бўлиб кирган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан кенг қўллаб-қувватланди.

1992 йилнинг 2 мартда БМТнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳида Ўзбекистоннинг миллий байроғи ҳилпиради. Ушбу кундан эътиборан мамлакатимиз глобал ва минтақавий муаммоларнинг муҳокамасида ҳамда муҳим халқаро қарорларни қабул қилиш жараёнида бевосита қатнашиш имкониятига эга бўлди.

Ўзбекистон ўша ондан бошлаб БМТ билан ҳамкорлик қилишнинг устувор йўналишларини белгилаб олди. Булар, жумладан, бугунги кундаги хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидларга қарши курашиш, шунингдек, Афғонистонни қайта тиклаш, оммавий қирғин қуролиларини тарқатмаслик, экологик муаммоларни ҳал этиш, хусусан, Орол денгизи фожиасининг оғир оқибатларини юмшатиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби масалалардир.

БМТ билан мамлакатимиз ҳамкорлигининг асосий йўналиши фаол сиёсий мулоқотни йўлга қўйиш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида қатнашиши орқали мазкур сиёсий мулоқотга тамал тоши қўйилиб, давлатимиз раҳбари илк бор мустақил Ўзбекистон ва унинг имкониятларини халқаро ҳамжамиятга эълон қилди. Шу билан бирга, Президентимиз Марказий Осиёда ядровий қуролдан ҳоли ҳудудни ташкил этиш ташаббусини ҳам илгари суриб, бу ҳақдаги шартнома 2006 йилнинг сентябр ойида Семипалатинск шаҳрида имзоланди. БМТ Бош Ассамблеясининг 61-ва 63-сессияларида Ташкилотга аъзо давлатларнинг кўпчилиги овози билан “Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли ҳудуд” Резолюцияси қабул

килинди, 2009 йилнинг март ойидан бошлаб эса, бу ҳақдаги Шартнома кучга кирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 1995 йилнинг октябрида БМТ Бош Ассамблеясининг 50-сессиясида Афғонистонга қурол-яроғ эмбаргосини жорий қилиш ҳамда ушбу мамлакатга дўст бўлган давлатлар гуруҳини тузиш ташаббусини илгари сурди. Мазкур ташаббус 1999 йилда “Афғонистондаги зиддиятни бартараф этишнинг асосий принциплари тўғрисида”ги Тошкент декларатсиясида ўз аксини топди. Бу декларатсия афғон заминида тинчлик ўрнатишнинг асосий тамойилларини ўз ичига олган бўлиб, “6+2” дея юритилувчи мулоқот гуруҳи иштирокчиларининг нуқтаи назарлари ва ёндашувларини бирлаштирвчи муҳим ҳужжатга айланди.

Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш борасида БМТ билан ҳамкорлик доирасида 2008 йил апрел ойида Бухарестда бўлиб ўтган НАТО/СЕАП саммитида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов афғон муаммосини ҳал этиш мақсадида “6+2” мулоқот гуруҳини “6+3” гуруҳига айлантириш ҳақидаги таклифни илгари сурганди. Бу гуруҳга Афғонистонга қўшни бўлган давлатлар билан бирга, АҚШ ва Россия ҳамда НАТО ташкилотининг кириши назарда тутилган.

2000 йилда мамлакатимиз Президенти дунёнинг 150 дан зиёд давлатлари раҳбарлари қатнашган БМТнинг “Мингйиллик саммити”да иштирок этди. Икки мингинчи йиллик оралиғида ўтказилган сессия қатнашчилари Ўзбекистон Республикасини “БМТ Мингйиллик Ассамблеяси” раисининг ўринбосари этиб тайинлаб, мамлакатимизга катта ишонч билдирдилар.

Ўзбекистон БМТнинг Тараққиёт дастури, ЮНИСЕФ, Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, БМТнинг қочоқлар ишлари бўйича агентлиги ва бошқа институтлари билан Ўзбекистон ҳудудидаги қирғизистонлик қочоқларга ёрдам кўрсатиш борасида яқиндан ҳамкорлик қилди.

Ўзбекистоннинг Қирғизистон жанубидаги зўравонлик қурбонларига ёрдам кўрсатиш борасидаги тадбирлари ҳамда унинг оқилона ва вазмин сиёсати жаҳон ҳамжамияти томонидан юқори баҳоланди. Бир қатор

давлатлар раҳбарлари, БМТ Бош котиби Пан Ги Мун ва бошқа халқаро ташкилотлар вакиллари, шунингдек, Қирғизистон президенти Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовга 2010 йил июн ойида Қирғизистон жанубидаги фожиали воқеалар оқибатида юзага келган вазиятни бартараф этиш борасидаги Ўзбекистоннинг конструктив саъй-ҳаракатлари учун миннатдорлик билдиришди.

Ўзбекистон БМТ ва унинг наркоагрессияга қарши ихтисослаштирилган муассасалари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. 2002 йил октябр ойида БМТ Бош котиби Кофи Аннанинг Ўзбекистонга расмий ташрифи амалга оширилди. Ташриф чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов БМТнинг гиёҳванд моддаларни назорат қилиш марказини ташкил этиш ташаббусини илгари сурди ва ушбу марказ Алмати шаҳрида очилишига келишилди.

Ўзбекистон ва БМТнинг экология соҳасидаги ҳамкорлиги доирасида Оролбўйидаги вазият деградациясининг олдини олиш ва Орол фожиаси оқибатларини енгиллаштириш бўйича қабул қилинган тезкор чоралар устуворлик аҳамиятига эга. БМТ Ўзбекистонга ушбу масалани ҳал этиш борасида кўмак беришга тайёр.

Орол денгизи экологик фожиасининг жиддийлигини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон БМТ вакилларининг фаол иштирокида 2008 йилнинг 11-12 март кунлари Тошкент шаҳрида “Орол муаммоси, унинг аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига таъсири, оқибатларини енгиллаштариш борасида халқаро ҳамкорлик чоралари” мавзусидаги халқаро конференция ўтказди.

2010 йил апрел ойида БМТ Бош котиби Пан Ги Мун шахсан Оролбўйи минтақасига ташриф буюрди. Унинг сўзларига кўра, кўрган манзаралари унда ўчмас таассурот қолдирди. Пан Ги Мун Орол муаммосини ҳал этишга кўмаклашишга, ушбу экологик фожиа оқибатларини бартараф қилиш учун БМТнинг эксперт салоҳияти, молиявий ва бошқа ресурсларни жалб этиш

борасидаги барча саъй-ҳаракатларни сафарбар қилишга тайёр эканлигини билдирди.

Ўзбекистон ҳаммуаллифлигида ишлаб чиқилган “Оролни қутқариш халқаро жамғармасига БМТ Бош Ассамблеясида кузатувчилик мақомини бериш” тўғрисидаги резолютсия БМТ Бош Ассамблеяси 63-сессиясида барча томонидан қўллаб-қувватланган муҳим ҳужжатлардан бири бўлди. Пан Ги Мун Марказий Осиё давлатлари томонидан Оролни қутқариш халқаро жамғармаси доирасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларни тўла қўллаб-қувватлади.

Орол денгизи муаммоларини ҳал этиш сув-энергетика ресурсларидан ратсионал ва оқилона фойдаланиш масалалари билан бевосита боғлиқ. Трансчегаравий дарёларни ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланишни тартибга солувчи халқаро ҳуқуқ меъёрларига қатъий риоя этиш алоҳида аҳамиятга эга. Бу масала бўйича БМТнинг 1991 йил 25 феврал, 1992 йил 17 март ва 1997 йил 21 майдаги конвенсиялари давлатларнинг “трансчегаравий таъсирга эга бўлган фаолиятни амалга оширишда трансчегаравий дарёларнинг хусусиятини инобатга олган ҳолда, улардан оқилона ва адолатли тарзда фойдаланишга” мажбур эканлигини уқтиради.

Ўзбекистон халқаро ҳуқуқ меъёрларига кўра, Марказий Осиёнинг сув-энергетика муаммоларига учинчи давлатларнинг аралашувини маъқул кўрмайди. Ўзбекистон БМТ конвенсияларига биноан трансчегаравий дарёлардаги барча гидроэнергетика лойиҳаларини БМТ шафелиги остида халқаро экспертизадан ўтказиш нуктаи назарини қатъий илгари суради.

Халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар билан ўзаро муносабат доирасида БМТнинг Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди (ХВФ), Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ), БМТнинг Европа бўйича иқтисодий комиссияси (ЕИК), БМТ савдо ва ривожланиш бўйича конференцияси гуруҳи каби ихтисослаштирилган муассасалари билан ҳамкорлик ривожланмоқда.

1993 йилдан бери республикада БМТнинг йирик дастури - Тараққиёт дастури, 1999 йилдан буён мамлакатга оид ҳамкорлик дастури асосида тайёргарлик ва татбиқ этиш амалга оширилмоқда.

Мамлакатга оид ҳамкорлик дастурининг асосий вазифаси Ўзбекистонга қисқа ва ўрта муддатларда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор вазифаларини ҳал этишда техник ва консултатив ёрдам кўрсатишдир.

2010-2015 йилларда Мамлакатга оид ҳамкорлик дастури умумий миқдори 43 миллион 318 минг АҚШ долларидан иборат бўлган дастурни амалга ошириши тахмин қилинмоқда.

Ўзбекистоннинг Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан ҳамкорлигининг устувор йўналишлари ушбу ташкилотнинг Европа ҳудудий бюроси ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўртасидаги ҳамкорлик доирасида амалга оширилаётган ОИФ/ОИТСга қарши кураш ҳамда уларнинг олдини олиш, сил, безгак, юқумли ва юқмайдиган касалликларни профилактика қилиш ҳамда санитар ҳолатини яхшилаш, оналар ва болаларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш соҳалари саналади.

Ўзбекистоннинг БМТга аъзо бўлиши ва ташкилот фаолиятидаги ўрни.

1.1. Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги БМТга аъзо бўлишнинг сиёсий асоси.

Ўзбекистон БМТнинг низомий, ёрдамчи ва конвенциявий ташкилотлари билан инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш соҳасида яқиндан ҳамкорлик қилади. Ушбу йўналишда 70 дан ортиқ ҳужжатлар билан бирга олти асосий битимга қўшилди. Ўзбекистон ушбу ҳужжатлар доирасида ўзининг халқаро мажбуриятларини изчил равишда бажаради ва мазкур соҳада ўз сиёсатини ишлаб чиқади.

2008 йилда Инсон ҳуқуқлари бутунжаҳон декларациясининг 60 йиллиги муносабати билан Президент Ислам Каримовнинг 2008 йилдаги ташаббусини қўллаб-қувватлаш халқаро кампанияси БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасида ва БМТнинг Инсон ҳуқуқлари Кенгашида катта қизиқиш уйғотди.

Минтақавий ва глобал муаммоларнинг ўзаро боғлиқлиги БМТ ва ШХТ каби минтақавий тузилмалар билан яқиндан ҳамкорлик қилишга ундайди. ШХТга раислик қилувчи мамлакат сифатида Ўзбекистон БМТ ва ШХТ ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни фаоллаштирган ҳолда том маънода ўзаро шерикчилик хусусиятини намоён қилди.

2010 йил апрел ойида БМТ Бош қотиби Пан Ги Муннинг Марказий Осиёга ташрифи доирасида БМТ ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Қотибиятлари ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги қўшма декларация имзоланди.

Шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Нью-Йорк шаҳрига амалга оширадиган расмий ташрифи Ўзбекистон ва БМТнинг келгусидаги стратегик шерикчилик ҳамда ҳамкорлик муносабатлари мустаҳкамланишига кучли таъсир кўрсатади ва бу, ўз

навбатида, мамлакатимизнинг халқаро даражадаги нуфузи юксалишига хизмат қилади.

2010 йил 20-21 сентябр кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг таклифига биноан БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича олий даражадаги ялпи мажлисида иштирок этди. Давлатимиз раҳбари мазкур саммитда нутқ сўзлади.

Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги муносабатлар камрови кенг. Мамлакатимиз 1992 йилда ушбу энг нуфузли халқаро ташкилотга аъзо бўлди. Ўтган даврда тинчлик ва барқарорликка таҳдид солувчи хавф-хатарларга қарши курашиш, экологик муаммоларни бартараф этиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасида Ўзбекистон БМТ билан изчил ҳамкорлик қилиб келади.

2002 йилда БМТнинг ўша вақтдаги Бош котиби Кофи Аннан Ўзбекистонга келди.

Жорий йилнинг апрел ойида амалдаги Бош котиб Пан Ги Мун мамлакатимизга ташриф буюрди. Ушбу ташриф асносида БМТ Бош котиби илк бор Оролбўйида бўлди ва у ердаги бутун дунёга таъсир кўрсатаётган экологик бўҳрон билан бевосита танишди. Бу Марказий Осиёдаги глобал экологик муаммога жаҳон ҳамжамияти эътиборини янада кучайтиришда муҳим омил бўлди.

Бош котиб Пан Ги Муннинг ташрифи асносида БМТ ва ШХТ котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги декларатсия имзолангани Марказий Осиёда интегратсия жараёнларини фаоллаштириш, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашда мазкур икки ташкилотнинг иштирокини кенгайтириш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан Марказий Осиёнинг ядро қуролидан холи худуд мақомини олишида ҳам БМТ билан ҳамкорлик алоҳида аҳамият касб этди. Бутун дунёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётга

кўмаклашиш, ядро қуроли тарқалишининг олдини олиш йўлида жаҳон ҳамжамиятини бирлаштиришга интилаётган БМТ бу хайрли ғояни кенг қўллаб-қувватлади.

БМТ Ўзбекистон Республикасининг терроризм, экстремизм, айирмачилик ва наркотрафикка қарши биргаликда курашиш ҳамда Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш борасидаги ташаббуслари ва бу йўналишда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш йўлидаги саъй-ҳаракатларини ҳам юксак баҳолайди ва қўллаб-қувватлайди.

Президент Ислом Каримов БМТ минбаридан сўзлаган нутқида Мингйиллик ривожланиш мақсадлари доирасида Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган ишлар, мамлакатимизнинг БМТ билан ҳамкорлиги, Марказий Осиёда кечаётган жараёнлар, минтақавий хавфсизлик ва экология муаммолари, Афғонистон можаросига алоҳида тўхталди.

Мамлакатимиз раҳбари бугунги куннинг энг долзарб халқаро муаммоларини ҳал этишда уруш ва можаролар тўсиқ бўлаётганини, Афғонистон мисолида бунинг яққол тасдиғини кўриш мумкинлигини таъкидлади. Мазкур мамлакатда вазиятни барқарорлаштириш учун унга иқтисодий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий-гуманитар ва инфратузилмага оид лойиҳаларни амалга ошириш лозимлигини қайд этди. Шу билан бирга, Афғонистон халқининг кўп асрлик анъаналари ва қадриятларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш зарур.

Президент Ислом Каримов Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишда атроф муҳит муҳофазаси муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Сўнгги қирқ йилда Орол денгизининг акваторияси 7 баробар, сувининг ҳажми 13 марта камайди. Оролбўйи минтақаси Амударё ва Сирдарё ҳисобига сув билан таъминланиши ҳисобга олинса, улардаги оқимнинг камайтирилиши шусиз ҳам мураккаб аҳволдаги экологик барқарорликка путур етказди.¹

¹ http://mfa.uz/uzb/matbuot_va_media_servis/yangiliklar/ozbekiston_bmt_hamkorlik_sarhadlari_kengaymoqda.mgr
2011 йил 14 ноябр

Бизнинг тасаввуримизда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти - барча давлатларнинг, минтақаларнинг, бутун жаҳон ҳамжамиятининг энг муҳим муаммоларини муҳокама қилиш ва ечиш учун тузилган ноёб ташкилотдир. БМТ - бу халқларнинг тинч-тотув яшашга бўлган эзгу иродасининг буюк рамзи, инсоният маънавий тараққиётининг ёрқин нишонасидир.

Туб тарихий ўзгаришлар даврида ҳозирги дунёнинг ўзаро алоқаси ва бир-бирига боққилиги ортиб бораётганлиги равшан кўриниб турибди. Айни шу пайтда умуминсоний муаммоларни ўрганиш ва ҳал қилишда жаҳон миқёсидаги сиёсий восита сифатида БМТнинг дунё кўламидаги роли ва аҳамияти ошиб бормоқда.

Барча давлатлар тан олган мустақил Ўзбекистон эндиликда БМТнинг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлиб қолаяпти. Республикада кўпгина мамлакатларнинг элчихоналари, турли халқаро ташкилотлар ишлаб турибди. Ўзбекистонда БМТ ваколатхонаси самарали ишлаётганини мамнуният билан таъкидлайман. Бу ваколатхона БМТ Бош қотиби Бутрос Бутрос ўолий жанобларининг шахсий ташаббуси билан очилди.

Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатимнинг мустақиллигини тан олганликлари ва қўллаб-қувватлаганликлари учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотига, БМТга аъзо бўлган барча давлатларга ўз халқим ва ҳукуматим номидан самимий миннатдорчилик изҳор қилишни истайман.

22 миллион аҳолиси бўлган Ўзбекистон жуқрофий жиҳатдан ҳам, сиёсий жиҳатдан ҳам Марказий Осиёнинг ўзагини ташкил қилади. Дунёдаги энг қадимий цивилизациялардан бири мана шу минтақада пайдо бўлган. Қадим замонларда Буюк Ипак йўли шу ердан ўтган.

Халқимнинг тарихи ўз илдизлари билан асрлар қаърига бориб тақалади ва уч минг йилдан кўпроқ даврни ўз ичига олади. Қадимий Турон, Мовароуннаҳр, Туркистон ҳудудида равнақ топган давлатлар жаҳон маданиятини ривожлантиришда ёрқин из қолдирган.

Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари жуда қадим замонлардан дунёга машҳур бўлган. Олис асрларда бу шаҳарлар Хитойдан Испаниягача, Европадан Ўинд океанигача алоқа боқлаган.

Бу шаҳарлар улуғвор меъморчилик обидалари билангина шуҳрат қозониб қолмай, айти пайтда бутун дунёдан буюк мутафаккирлар ва ижодкорлар интиланган жойлар ҳам бўлган. Самарқандни ўз давлатининг пойтахти қилган буюк Темур олимларга, файласуфларга, меъморларга, шоирлар ва машшоқларга ҳомийлик қилиши билан шуҳрат қозонган.

Маънавий, илмий ва эстетик қадриятлар халқимизнинг турмуш тарзида, анъанавий маданиятида муҳим ўрин олган. Биз ўзимизнинг тарихимизни ва жаҳон цивилизациясини ривожлантиришга бебаҳо ҳисса қўшган буюк аждодларимиз - Шарқнинг мутафаккирлари Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улуғбек ва бошқаларни эъзозлаймиз ҳамда улар билан фахрланамиз.

Мустақилликни эълон қилиб, Ўзбекистон ўзининг маънавий қадриятларини ва ақлий салоҳиятини қайта тиклаш даврига, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларда туб ўзгартиришлар даврига қадам қўйди.

Биз очиқ бозор иқтисодиётига ва кучли ижтимоий ҳимоя тизимига эга бўлган ҳуқуқий, демократик ва дунёвий жамият барпо эта бошладик. Сиёсий институтларнинг ривожланиши, йўналишлари ва шакллари хусусида халқимизда яқдиллик бор. Демократик ўзгартиришлар йўлида сезиларли силжишлар бўлаяпти.

Ўтган йилнинг декабрида Ўзбекистон республикасининг тамоман янги Асосий Қонуни қабул қилинди. Халқаро холис экспертлар унга юқори баҳо беришди. Бизнинг Қомус демократик конституцияларга қўйиладиган юксак талабларга жавоб беради, инсон ҳамда фуқаронинг барча ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини кафолатлайди.

Ўзбекистонда давлат бошлиқи ва парламентга эркин ва муқобил асосда умумхалқ сайловлари ўтказилди. Ўоқимият ваколатлари давлат идоралари ўртасида аниқ ажратиб қўйилган. Кўп партиявийлик тобора ривожланаяпти.

2.Боб. Ўзбекистон Республикаси ва БМТ муносабатларининг асосий йўналишлари.

2. Ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотлардаги ҳамкорлик.

Юз йилдан кўпроқ вақт ўтгандан кейин, халқимиз яна озод бўлиб, ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш, маданиятини бойитиш, маънавий қайта уйқонишини таъминлаш имкониятига эга бўлди.

Республикада юздан зиёд халқлар ва элатлар яшаб турибди. Бизда барча этник гуруҳларга миллий маданиятларини, анъаналарини, тилларини ривожлантиришлари учун катта ва етарли имкониятлар берилаяпти. Ўтиш даврининг қийинчиликларига қарамай, Ўзбекистонда сиёсий барқарорлик, тинчлик ва миллатлараро тотувлик сақланиб қолаётганлиги билан фахрланамиз.

Ўзбекистон Республикаси - кучли ва кенг имкониятли, ноёб табиий бойликларга эга, истиқболи юксалаётган мамлакат. Аҳолининг 50 фоизга яқини 18 ёшгача бўлган ёшлардир. Республика пахта етиштириш бўйича жаҳонда учинчи ўринни, олтин қазиб чиқаришда - саккизинчи, мис қазиб чиқаришда ўнинчи ўринни, нодир металллар ва стратегик хом ашё захиралари бўйича салмоқли ўринни эгаллаб турибди. ўоят катта энергетика ресурсларига ва бошқа кўпгина бойликларга, ҳунармандчилик, савдо-сотик ва деҳқончиликнинг қадимий анъаналарига эга бўлиб, саёҳат учун ажойиб бир ўлкадир.

Республика кучли илмий, ақлий ва маънавий салоҳиятга эга. Олимларимиз математика, физика, биология соҳасида олиб бораётган илмий тадқиқотлар минтақамиздан ташқарида ҳам яхши маълум. Аммо бизнинг энг асосий бойлигимиз - ўз шаъни ва қадр-қимматини ҳис эта олиши билан фарқ қиладиган кўнгли очик, меҳнатсевар, меҳмондўст ва мақрур халқимиздир.

Озод Ўзбекистон жамиятни ислоҳ қилишнинг бурунги ҳолатидан демократик жамият ва бозор иқтисодиёти кадриятларига ўтишнинг ўзига хос

йўлини танлаб олди. Шу билан бирга биз иқтисодиёти ҳаддан ташқари издан чиққан ва экологияси бузилган республика қисқа давр ичида бундай меросни ўзгартириши ва яхшилаб олиши мумкин эмаслигини биламиз. Бу ҳудуд, аслини олганда, собиқ ССР Иттифоқи таркибида хом ашё манбаи бўлиб, бу ердан арзон хом ашё олиб чиқиб кетилиб, унча сифатли бўлмаган тайёр маҳсулот келтирилар эди. Биз шундан келиб чиқамизки, аҳолининг табиий ўсиши юқори бўлган, республикада иш билан таъминлаш соҳасида жиддий муаммолар ва талайгина моддий қийинчиликлар мавжуд шароитда жамиятни иқтисодий ва маънавий жиҳатдан ривожлантириш сиёсий ислоҳотлардан олдинда бориши керак.

Мустаҳкам қонунчилик негизини, ҳуқуқий маданиятни, қарашлар ва фикрларнинг хилма-хиллигига тоқат қилиш ва холислик руҳиятини тайёрлаш зарур. Энг муҳими эса биз кейинги 75 йил мобайнида яшаб келган маъмурий-буйруқбозликдан иборат тоталитар тақсимот тизими юзага келтирган одамлар руҳиятини, уларнинг тафаккурини ўзгартириш лозим.

Биз кейинги вақтларда собиқ социалистик лагернинг талайгина мамлакатларида бир неча марта кузатганимиздек, зиддиятли ёндашув, воқеаларни ўйламай-нетмай жадаллаштириш кескин можароларга, фуқароларнинг бир-бирига қарама-қарши туришига, миллатлараро тўқнашувларга, муаммоларнинг ҳаммасини ечиш ўрнига уларнинг чуқурлашиб кетишига, эркин бозор иқтисодиёти ва демократик ислоҳот Гояларини йўққа чиқаришга олиб келиши мумкин.

Эндиликда дунёда жамият ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ҳар қандай мамлакат учун бир хилда мақбул бўлган ҳаммабоп йўллари йўқлиги равшан бўлиб қолди. "Капиталистик" ва "социалистик" деган тушунчалар ўртасидаги фарқ амалда йўқ бўлиб бораяпти. Мафкуравий ақидалардан холи бўлган янги эркин тафаккурни шакллантириш зарурати етилди. Бундай тафаккур ҳар бир мамлакатнинг сифат жиҳатдан янгича ҳолатга ўтишида Гоят хилма-хил шакллар ва йўлларни очиб беради.

Биз аниқ вазиятга, ўзбек халқининг руҳияти, турмуш тарзи ва анъаналарига асосланиб, ўз ислоҳотларимизнинг асосий тамойилларини ишлаб чиқдик.

Биринчидан, биз иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлигини, ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий муносабатларнинг мафкурадан холи бўлишини эълон қилдик.

Иккинчидан, биз ўтиш даврида давлат бош ислоҳотчи ва республикада амалга оширилаётган демократик ўзгартиришларнинг изчил ташаббускори бўлиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Учинчидан, бу - қонунчиликни, ҳуқуқнинг устуворлигини таъминлашдир.

Тўртинчидан, фуқароларнинг, айниқса кам даромадли фуқароларнинг, давлат ва жамиятнинг мададига муҳтож бўлган барча кишиларнинг манфаатларини ҳимоя қиладиган кучли ижтимоий сиёсат биз учун ниҳоятда муҳим.

Ва, ниҳоят, бешинчидан, бизнинг шароитимизда бозор муносабатларига ўтиш босқичма-босқич, эволюцион йўл билан амалга оширилиши керак. Доно халқимиз айтганидек: "Янги уй курмай туриб, эскисини бузма".

Демократик ислоҳотлар учун жамиятнинг барқарорлиги ва давлатнинг хавфсизлиги ҳаётий зарурдир. Буларсиз бошқа масалаларни амалда ҳал қилиш мумкин эмас. Ўзбекистон барча минтақаларда ва аввало Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш учун қатъият ва изчиллик билан ҳаракат қилиб келаяпти. Минтақамизнинг хусусияти, унинг жуқрофий-сиёсий мавқеи шундайки, воқеаларнинг салбий ривожланиши оқибатида у бутун дунёда беқарорликнинг катта манбаларидан бири бўлиб қолиши мумкин. Шунини айтиб ўтиш кифояки, Марказий Осиёда ҳар хил этник ва диний гуруҳларга мансуб бўлган салкам 60 миллион киши яшайди. Бу ерда ядро қуроли, шунингдек катта вайронагарчилик кучига эга бўлган оддий қурол-яроқлар тўпланган. Шу минтақадаги тўқнашувлар олдиндан айтиб бўлмайдиган миқёслардаги фалокатларни келтириб чиқара олади.

Шу муносабат билан Тожикистондаги ва тожик-афҚон чегарасидаги вазият тўғрисида гапирмасдан бўлмайди. Унда қатнашувчи кучларнинг сиёсий манфаатлари хусусида баҳс юритиш мумкин. Аммо шу нарса шубҳасизки, Тожикистондаги қонли можаро томонлардан бирининг Қайриқонуний равишда, қурол ва кўрқитиш йўли билан ҳокимиятни босиб олишга ҳамда уни ташқаридан тўхтовсиз моддий ва мафкуравий жиҳатдан аралаштириш йўли билан қўллаб-қувватлашга уринишлар натижасида юзага келди. Бунинг оқибатида кўпгина сиёсий кучлар, жамиятнинг турли табақалари қуролли тўқнашувга жалб этилиб қолди. Бу тўқнашув халқаро тус касб этди. Чунки ҳукуматга қарши кучларнинг жанговар тузилмаларини тайёрлаш, пул ва ҳарбий техника билан таъминлаш манбалари Тожикистондан ташқарида эди.

Ўзбекистон ҳукумати Тожикистонда ва тожик-афҚон чегарасида можаронинг давом этаётганлигидан ташвишда. Авваламбор бунинг сабаби шуки, асрлар мобайнида Марказий Осиё халқлари иқтисодий, маънавий ва маданий жиҳатдан чамбарчас боқлиқ бўлишган. Ўзирги вақтда мазкур минтақанинг кўпгина мамлакатлари ўртасида аслида том маънодаги чегаралар йўқ. Шу боисдан ҳар қандай нуқтадаги можаро соф жуқрофий сабабларга кўра бутун минтақани қамраб олиш хавфини туқдиради.

Можаро содир бўлаётган жойларда Ғоят кўп миқдорда замонавий қурол-яроқ ҳеч бир назоратсиз тўпланаётганлиги ҳам бизни ташвишга солаяпти. Бу қуроляроқлар қаердан келаяпти ва улар экстремистлар билан террорчиларнинг қўлига қандай тушиб қолаяпти? Биродарқушлик урушлари бўлаётган жойларга қуролларнинг бундай оқимини тўхтатиш учун жаҳон ҳамжамияти нима қилаяпти ва нималар қилиши лозим? Халқларнинг манфаатларига, миллатларнинг тақдирига ва миллионлаб кишиларнинг ҳаётига дахлдор бўлган бу саволлар ўз жавобини кутаяпти.

Тожикистонлик қочоқлар муаммоси можаро алангасида мисли кўрилмаган кескинлик касб этди. Ўн минглаб тинч аҳоли туқилиб ўсган жойларини ташлаб кетишга мажбур бўлди. Ўзбекистон Тожикистонга озиқ-

овқат, энг зарур моллар юбориб турибди. Қочоқларнинг қайтишига ёрдам бераёпти. Инсонпарварлик ёрдами кўрсатишда БМТ муассасаларига Термиз Бюроси орқали баҳоли қудрат кўмаклашяпти.

Ўзбекистон экстремизмни, террорчиликни, ҳар қандай кўринишдаги диний фанатизм ва ақидапарастликни қатъиян қоралайди. Биз можарони сиёсий воситалар ёрдамида тинч йўл билан ҳал қилиш, бир-бирига қарши курашувчи томонлар ўртасида музокаралар олиб бориш, мустақил давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тарафдори бўлиб, тожик халқига ва аввало Афқонистондан қайтиб келаётган қочоқларга бундан буён ҳам инсонпарварлик ёрдами беришга тайёрмиз.

Ўзбекистон Тожикистондаги можаронинг бошиданок вазиятни синчиклаб ўрганиш ва унинг БМТ доирасида баргараф этилишини таъминлаш ниҳоятда зарурлигига БМТ Бош қотиби жаноб Бутрос Бутрос ўолийнинг эътиборини икки марта жалб қилди.

Тожикистондаги можаро хусусида ташвиш билдириб, унга тез эътибор берганлиги ва куч-Қайрат сарфлаганлиги учун биз БМТдан, унинг Бош қотиби жаноб Бутрос Бутрос ўолийдан миннатдормиз ва жаҳон ҳамжамияти тинчлик ишига қўшилган бу ҳиссага муносиб баҳо беришига ишончимиз комил. Минтақада БМТ Бош қотибининг махсус элчиси жаноб И. Китгани раҳбарлигидаги миссия самарали ишляпти. Бизнинг назаримизда, у тўплаган материал БМТ Хавфсизлик Кенгашининг мажлисида можаронинг характери ва ҳаракатлантирувчи кучлари тўғрисида объектив хулосалар чиқариш имконини берди.

Шунга қарамай, ҳозирги вазиятга асосланиб, нафақат Тожикистонда, балки Афқонистонда ҳам тожик-афқон чегарасидаги аҳволга етарлича эътибор бериляпти деб айтиш қийин. Ушбу можаронинг миқёслари ва потенциали, бутун дунёга хавф солаётган ҳалокатли оқибатлари ҳали тўла-тўқис англаб етилгани йўқ. Фурсатдан фойдаланиб, мен Бош Ассамблея сессиясининг қатнашчиларини мазкур муаммони ҳал қилиш йўллари тўғрисида ўзларининг амалий фикр-мулоҳазаларини билдиришга чақираман.

Ўзбекистон Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича БМТнинг доимий ишловчи семинари чақирилишини айтиш муддао деб ҳисоблайди. Тинчлик ўрнатишда қадимий анъаналарга эга бўлган, халқаро ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик руҳи билан йўқрилган шаҳар сифатида Тошкент БМТнинг ана шундай семинари ўтказиладиган жой бўлишга тайёр. Доимий ишловчи семинарда жаҳонда умумий хавфсизлик сиёсати доирасида ва БМТ Низомининг 52-моддасига мувофиқ манфаатдор мамлакатлар Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликнинг ишончли тизимини вужудга келтириш имкониятларини муҳокама қила олур эдилар. Бундай тизим можаролар ва урушлар юзага келган ҳолларда тинчликни сақлаш ва қайта тиклаш борасидаги чора-тадбирларни, жумладан, тинчликни ва чегараларнинг яхлитлигини бузмоқчи бўлганларга қарши дипломатик, молиявий, иқтисодий ҳамда бошқа тусдаги коллектив жазо чораларини кўзда тутиши, ушбу минтақада барқарорлик ва мустақкам тинчлик ўрнатиш бўйича БМТ учун тавсияномалар ишлаб чиқиши мумкин бўлур эди.

Ўзбекистон жаноб Бутрос Бутрос ўолийнинг 1992 йил 31 январда Хавфсизлик Кенгашида баён қилган "Тинчлик кун тартиби"да таклиф қилганидек, Ер юзида хавфсизликни таъминлашда жаҳон ташкилоти сифатида БМТнинг янги ролига эришиш йўлларини қўллаб-қувватлайди. Биз БМТ Бош қотиби жаноб Бутрос Бутрос ўолийни Марказий Осиё минтақасига, жумладан Ўзбекистон Республикасига келишга таклиф қиламиз. Ишончим комилки, БМТ ва унинг Бош қотибининг обрў-эътибори ушбу минтақада воқеалар салбий ривожланишининг олдини олиш ва бунга йўл қўймаслик имконини беради.

"Кун тартиби"да жаноб Бутрос Бутрос ўолий ҳозирги дунё учун олдини олиш дипломатиясининг аҳамиятига катта эътибор беради. Бу эса бизнинг нуқтаи назаримизга тўла мос келади. Мана шу юксак халқаро минбардан туриб, БМТни ўзининг тинчликпарвар фаолиятини, айниқса можаролар чиқадиган жойларда тинчлик ўрнатиш фаолиятини янада кучайтиришга чақиришни истардим.

Шуни эътироф этишга тўғри келадигани, кўп ҳолларда нуфузли халқаро ташкилотлар можароли вазиятларга, ифодали айтганда, ёнқин ҳиди эндигина чиқаётган пайтда эмас, балки батамом ловуллаб кетганда, бартараф этиш кийин бўлиб қолгандан кейингина эътибор бера бошлайдилар. Жаҳон ҳамжамияти можаролар кучайишининг олдини олиш мақсадида кўп ҳоллардаги бефарқ кузатувчи ролдан фаол тинчликпарвар нуқтаи назарига ўта бориши керак.

Шу муносабат билан БМТ Хавфсизлик Кенгаши ҳузурида юзага келадиган халқаро можароларни таҳлил қилиш ва истиқболни белгилаш бўйича махсус гуруҳ ташкил қилиниши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бундан мақсад тегишли қарорлар қабул қилиш учун Хавфсизлик Кенгашига, БМТнинг бошқа бўлинмаларига, бутун жаҳон ҳамжамиятига зудлик билан тавсияномалар тайёрлашдан иборатдир.

Ўзирги замон воқелиги шундайки, бир мамлакатнинг хавфсизлиги бошқа давлат ҳисобидан таъминланиши мумкин эмас. Минтақа хавфсизлигини бутун жаҳон хавфсизлиги муаммоларидан ажралган ҳолда кўриб бўлмайди. Шунга асосланиб, Ўзбекистон ядро қуролининг батамом тугатилиши учун, Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги Шартноманинг самарали ҳаракат қилиши ва унинг ҳеч бир муддатсиз узайтирилиши учун ҳаракат қилади. Бизнинг республикамиз ана шу Шартноманинг ҳаракат қилиш муддатини узайтиришга оид Конференцияга тайёргарлик музокараларида фаол қатнашади. Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасининг ядросиз зона деб эълон қилинишининг қатъий тарафдоридир.

Биз кимёвий қуролни тақиқлаш Конвенциясига қўшилиш тўғрисидаги ҳамда бактериология қуролини тақиқлаш муаммолари бўйича зарур музокараларни ҳам масъулият билан ўтказиш ниятидамиз. Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида кимёвий ва бактериологик қуролнинг тарқатилиши устидан халқаро назорат ўрнатиш зарур деб ҳисоблайди.

Биринчи навбатдаги муаммолар орасида нарқобизнесга қарши қаратилган умумий саъй-ҳаракатларни кучайтириш масалаларига алоҳида

эйтиборни қаратишни истардим. Биз ана шу иллатга қарши курашда кенг кўламли ҳамкорлик қилиш тарафдоримиз. Жаҳонда ишлаб чиқарилаётган ва истеъмол қилинаётган наркотик моддаларнинг талайгина қисми Марказий Осиёда тайёрланаётганлиги ёки унинг орқали ташиб ўтилаётганлиги сир эмас. Наркобизнеснинг транзит йўналишлари бир минтақада жамланишининг ўзиёқ мана шу даҳшатли ҳодисани тугатишда жаҳон ҳамжамияти ўз имкониятларини жамлаб, ишга солиши учун етарли асос бўлади. Ўзбекистон барча манфаатдор мамлакатлар ва ташкилотлар билан бу борада ҳамкорлик қилишга тайёр. Наркобизнесга қарши курашда биргаликдаги куч-Қайратларни мувофиқлаштириш учун Марказий Осиёда БМТнинг минтақавий Комиссияси тузилишини биз қутлаган бўлур эдик.

Биз атроф муҳитни назорат қилиш ва жаҳон миқёсидаги экологик фалокатларнинг олдини олишда БМТнинг роли кучайтирилишини ҳам ёқлаб чиқаямиз. Мана шу олижаноб вазифани амалга оширишда ҳар жиҳатдан кўмак беришга тайёрмиз.

Дунёдаги кўпгина минтақалар каби Марказий Осиё ҳам Ғоят катта миқёсдаги экологик офатларга дуч келаяпти. Энг аввало бу гап Орол денгизи фожиасига тааллуқли. Кейинги йилларда унинг ҳажми уч баравардан кўпроқ қисқарди, майдони икки баравар камайди, қирҚоқ 80 километрга чекинди, сувнинг минераллашуви даражаси тўрт бараваргача ошди, ҳайдаладиган икки миллион гектар ерни кум босди, чанг-тўзонлар бўрони 300 километр ва ундан кўпроқ масофага етиб борадиган бўлди. Мана шуларнинг ҳаммаси минтақадаги санитария ҳолатига салбий таъсир кўрсатмоқда. БМТ экспертларининг фикрига кўра, Орол муаммоси ўзининг экологик ва ижтимоий-иқтисодий оқибатлари жиҳатидан 20-асрнинг энг катта офатларидан бири бўлиб қолди.

Орол денгизининг ҳалокати бутун дунё учун олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатлар келтириб чиқармоқда. Биз жаҳон ҳамжамиятига мурожаат қилиб, Оролни ва Оролбўйини қутқаришда ёрдам беришга чақирамиз.

Фалокатнинг ҳақиқатан ҳам жаҳон миқёсида эканлигини эътиборга олиб, Ўзбекистон БМТнинг Орол бўйича махсус Комиссияси ташкил қилинишини ёқлаб чиққан бўлур эди. Бу Комиссия минтақадаги ҳукуматлар билан келишган ҳолда ва БМТнинг имкониятлари орқали халқаро кучлар ва маблақларни мана шу экологик фожиани бартараф этишга жалб қилган бўлур эди. Дастлабки қадам сифатида мазкур Комиссия ушбу муаммо бўйича Нукус шаҳрида БМТ ҳомийлигида Халқаро конференцияни тайёрлаши мумкин бўлур эди.

Хонимлар ва жаноблар!

Ўзбекистон "совуқ уруш" тугаши даврида мустақил бўлди. Ана шу давр БМТ ва жаҳон ҳамжамияти олдида йиқилиб қолган муаммоларнинг жамики мажмуига сергаклик билан янгича баҳо беришни тақозо қилади. Биз Шимолдаги тараққий этган мамлакатлар билан Жанубдаги ривожланаётган давлатлар ўртасида ҳадиксираш кучайганлигидан хавотирдамиз. Шарқ билан ўрб ўртасида аввал бўлган мафкуравий муросасизлик эндиликда миллий ва диний заминдаги муросасизлик билан алмашаётганлиги хусусида таассуф билдирамиз. Биз ақидапарастлик, экстремизм, террорчилик тамойилларининг кучайганлигидан ташвишдамиз.

Бизнинг назаримизда, вужудга келган шароитда инсоният тараққиётини чигаллаштириб юбориши мумкин бўлган янги можароларнинг олдини олишда айна БМТ асосий восита бўлиши керак. Шу муносабат билан бизга БМТнинг энг муҳим органи - Хавфсизлик Кенгаши ҳозирги дунёнинг ижтимоий-иқтисодий, этник-маданий, диний, маънавий жиҳатдан Ғоят хилма-хиллигини баб-баравар тарзда акс эттириши, ўзининг таркиб топган консерватив тузилмасини қайта кўриб чиқиши учун ҳам самарали чоралар кўриш зарурати ниҳоятда етилди, деб ҳисоблаймиз.

Жаҳон халқлари янги минг йиллик бўсақасида турибдилар. Улар ўз келажагининг порлоқ, истиқболли бўлишини истайдилар. Жаҳон миқёсидаги мафкуравий қарама-қаршилиқларнинг ақдар-тўнтарлари ўтмишда қолапти.

Халқларнинг тинчлиги, ҳамкорлиги, ўзаро хавфсизлигидан бошқа йўл йўқ эканлигига қатъий ишонч ортиб бораяпти.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош котиби



Биографияси

Ҳозирги кунда БМТ нинг (ҳисоб бўйича саккизинчи) бош котиби Корея Республикаси вакили ҳисобланмиш Пан Ги Мундир. 2007 йил бошларида бу лавозимга ўтиришдан олдин Пан Ги Мун 37 йил давомида халқаро муносабатлар соҳасида ва ҳукумат таркибида ўз фаолиятини олиб борган.

Иш фаолиятининг муҳим босқичлари

Бош котиб бўлиб сайланишидан олдин Пан Ги Мун ўз мамлакатининг ташқи ишлар ва ташқи савдо вазири бўлиб ишлаган. Вазирликда узоқ йиллар давомида у президентнинг ташқи ишлар бўйича маслаҳатчиси, миллий хавфсизлик бўйича бош маслаҳатчиси, сиёсатни режалаштириш ишлари бўйича вазир ўринбосари ва америка бўлими бош директори сифатида фаолият олиб борган. Ўз фаолиятини олиб боришда Пан Ги Мун ўз ҳудудини ва бутун дунёни ривожлантириш ҳамда барқарорлаштириш йўлида муҳим аҳамият касб этган Корея яриморали ғоясига доимо содиқ қолган.

Жаноб Паннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан алоқаларининг илдизлари унинг 1975 йилда ташқи ишлар вазирлигининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бўлимида ишлаган пайтларига бориб тақалади. Йиллар билан бу соҳадаги ишлар микёси кенгайиб борди: у Нью-Ёрқда жойлашган БМТ қошидаги Корея Республикаси доимий ваколатхонаси биринчи котиби, Сеулда вазирликнинг марказий аппарати таркибидаги БМТ бўлими директори ва Венада элчи, 1999 йилда эса БМТ нинг бутун жаҳонда ядро қуроли тажрибаларини тақиқлаш шартномаси бўйича тайёрлов комиссияси раиси лавозимларида фаолият олиб борди. 2001-2002 йилларда

эса Бош Ассамблея Раиси аппаратининг бошқарувчиси сифатида бир қатор таклифлар билан чиққан ва бунинг натижасида инқироз, иккиланишлар билан бошланган сессияда бир нечта муҳим ислохотлар қабул қилинишига эришган.

Бундан ташқари жаноб Пан икки Корея муносабатларига тегишли масалаларни ижобий ҳал этишда фаол қатнашган. 2005 йил сентябр ойида Корея яриморотида тинчлик ва барқарорликни таъминлашга хизмат қилувчи Шимолий Кореянинг ядро масаласига оид олтитомонлама келишувда муҳим рол ўйнаган шахс ҳам Пан Ги Мундир.

Маълумоти

1970 йили жаноб Пан Сеул миллий университетининг халқаро муносабатлар йўналиши бакалавр даражаси соҳибига айланди. 1985 йили эса Гарвард университети қошида фаолият олиб бораётган Кеннеди номидаги бошқарув мактабининг давлат бошқаруви йўналиши магистри даражасига эга бўлди.

Мукофот ва медаллари

Жаноб Пан кўплаб миллий ва халқаро мукофотлар, медаллар билан тақдирлангандир. 1975, 1986 ва 2006 йилларда у ўз мамлакати равнақи ва тараккиётига қўшган ҳиссаси учун Корея Республикаси олий ордени - “Ҳизматлари учун” ордени билан тақдирлангандир.

Шахсий маълумот

Жаноб Пан 1944 йил 13 июн куни таваллуд топган. Турмуш ўртоғи ҳоним Ю (Пан) Сун Дек билан улар 1962 йили мактабнинг юқори синф ўқувчилари бўлишган пайтларида танишишган. Уларнинг бир оғил ва икки қиз фарзандлари бор. Корейсчадан ташқари жаноб Пан инглиз ва франсуз тилларида эркин гаплашади.

БМТнинг Оъзбекистондаги Ваколатхонаси Ахборот маркази тўғрисида қисқача маълумот

Ушбу Ахборот маркази – БМТнинг Оъзбекистондаги ваколатхонаси қошида 1995 йилда очилган эди. У БМТнинг 70 дан ортиқ мамлакатлардаги

ахборот марказлари ва хизматларнинг бутунжаҳон тармоғига киради. Унинг марказий мутасадди ташкилоти – 1946 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан "дунёдаги барча халқларнинг Бирлашган Миллатлар тўғрисида имкон қадар тўлиқроқ маълумот олишлари мақсадида" ташкил этилган Нью-Ёркдаги БМТнинг Жамоат ахбороти департаментидир. Резолютсияда таъкидланганидек, "Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўз вазифаларини, фақат дунё халқлари унинг мақсад ва фаолиятдан тўлиқроқ хабардор қилингандагина яхшироқ амалга ошириши мумкин бўлади". Худди шу вазифа БМТ фикрлари ифодачиси бўлган ва шу билан биргаликда маҳаллий жамоатчилик эътиборини глобал аҳамиятга эга муаммоларга жалб этишга ёрдам берадиган Жамоат ахборот департаментининг жойлардаги Ахборот марказларига юклатилган. Тошкентдаги Ахборот марказининг асосий вазифаси – БМТ мақсад ва вазифаларини янада яхшироқ тушуниб олишга ёрдамлашиш ва одамларни унинг Ўзбекистондаги фаолиятини қўллаб-қувватлашга сафарбар этишдир. Бунга ахборотлар тарқатиш ва оммавий ахборот воситалари, ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлар, таълим-тарбия бераётган муассасалар ва бошқа маҳаллаий ҳамкорлар билан биргаликда тадбирлар ўтказиш ёрдамида эришилади. Марказ Жамоат ахборот департаментининг жойлардаги бошқа бўлимлари сингари, БМТ тизими учун Ўзбекистонда жамоатчилик билан алоқа қилиш хизмати родини ҳам бажаради.

Ўзбекистон расмий доиралари билан мулоқот

Ахборот маркази Ўзбекистон давлат ҳокимият органлари, вазирликлар ва идоралар, маҳаллий ҳокимият органлари (ҳокимликлар) ва бошқа давлат муассасалари билан яқин ҳамкорликда иш олиб боради. Марказ уларнинг талаб-эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда БМТ фаолияти тўғрисида ахборотлар тақдим этади ва уларнинг БМТга тааллуқли ташаббус ва тадбирларининг амалга ошириш учун кўмаклашади. Ахборот директори вазифасини ҳам бажарувчи, БМТнинг Ўзбекистондаги Доимий Вакили тез-

тез расмий тадбирларда, байрамларда ва учрашувларда БМТ номидан қатнашиб туради.

Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик

Ахборот маркази БМТ фаолияти тўғрисида бутун дунёда ва мамлакатда ахборот материаллари эълон қилишлари учун Ўзбекистондаги ноширлик ва электрон оммавий ахборот воситаларига ҳар томонлама ёрдам беради. Марказ – БМТ расмий шахслар ва экспертлари иштирокида матбуот конференциялари, брифинглар ва давра суҳбатлари ташкил этади. Шунингдек, БМТ вакили БМТнинг Ўзбекистондаги фаолияти масалаларида, шу сингари БМТнинг глобал аҳамиятга эга бўлган ташаббуслари ва лойиҳалари борасида Ўзбекистон телевидениеси, радиоси ва матбуот органларида чиқишлар қилади. Ахборот маркази оммавий ахборот воситаларига нашр этилган, аудио ва видео материаллар тақдим этади ва радио ҳамда телевидениеда БМТ тўғрисида мунтазам рукнлар, дастурлар ташкил этилишини қўллаб-қувватлайди. Марказнинг матбуот учун маълумотномаларни таржима қилиши ва Жамоат ахборот департаментининг матбуот учун маълумотномаларини ва бошқа ахборот маълумотларини таржима қилиши ва тарқатиши одатдаги амалиётга айланиб қолган, шунингдек, Марказнинг ўзи ҳам рўй бераётган воқеалар ҳамда Ташкилот лойиҳалари ва унинг Ўзбекистондаги ихтисослаштирилган муассалари тўғрисида матбуот маълумотномалари мустақил чиқармоқда. Оммавий ахборот воситаларида БМТ фаолиятини ёритишни кенгайтириш мақсадида Ахборот маркази маҳаллий матбуотда БМТ мавзуи бўйича энг яхши мақолалар конкурси ўтказмоқда.

Ноҳукумат ташкилотлар ва ўқув юртлари билан ҳамкорлик

Ахборот маркази Ўзбекистон ноҳукумат ташкилотлари ва ўқув юртлари билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Мазкур ҳамкорлик доирасида Марказ БМТ ходимлари ва экспертларининг чиқишларини ташкил этмоқда, ахборот билан таъминлашда ёрдам кўрсатмоқда, БМТ нашр этган маълумотларни тақдим этмоқда. Шунингдек, Ахборот маркази

Ташкилотнинг БМТ куни, Инсон ҳуқуқлари куни, Халқаро хотин-қизлар куни сингари нишонланадиган кунлари тўғри келган махсус тадбирларини ўтказмоқда, ноҳукумат ташкилотларига, уларнинг БМТга тааллуқли ўз тадбирларини ўтказишларига ёрдамлашмоқда.

Марказ О'збекистон мактаблари ва олий ўқув юртлари билан тўғридан-тўғри мулоқотга киришишни қўллаб-қувватлайди, бу ҳол викториналар, БМТ "моделли" каби ҳамкорликдаги лойиҳаларни амалга ошириш имкониятини берапти. Бундан ташқари Ахборот маркази ёшлар даврасига мўлжалланган ҳужжатлар, матбаа маҳсулотлари ва видеодастарларни тарқатмоқда.

Айни пайтда Марказ О'збекистон ноҳукумат ташкилотлари билан БМТ Жамоат ахборот департаменти ўртасида расмий ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш учун БМТ бош қароргоҳига маълумоталар ва тавсиялар тақдим этади.

Марказ кутубхонаси

Ахборот маркази О'збекистондаги БМТ расмий ҳужжатлари ва бошқа ахборот материаллари, жумладан, плакатлар расмлар статистик ҳисоботлар ва аудиовизуал материалларнинг асосий манбаи ҳисобланади. Марказ кутубхонаси барча талабгорлар учун очикдир. Кутубхона фондида Бош Ассамблея, Хавфсизлик Кенгаши, Иқтисодий ва Ижтимоий кенгаши, Васийлик кенгаши ва Халқаро суд мажлисларининг расмий протоколлари, шунингдек, БМТнинг халқаро тинчлик ва хавфсизлик, барқарор тараққиёт, инсон ҳуқуқлари, атроф муҳит муҳофазаси, демография, ижтимоий тараққиёт, жаҳон иқтисодиёти, қишлоқ хўжалиги ва бошқа мавзулардаги нашрлари мавжуд. Шунингдек, таъкидлаб ўтиш керакки, Ахборот маркази ва унинг кутубхонаси БМТ ахборот марказлари бутунжаҳон электрон тармоғига уланган ва бу эрда БМТнинг Интернетга жойлаштирилган ахборот манбааларидан ҳам фойдаланиш имконияти мавжуд.

Марказ кутубхонаси БМТ ҳужжатлари ва нашрларини О'збекистон кутубхоналарига, олий ўқув юртларига ва бошқа муассасаларига мунтазам

равишда тақдим этмоқда. У ҳафтанинг пайшанба, шанба ва якшанба кунларидан ташқари соат 14.00дан 17.00га қадар ҳар доим келувчилар учун очик. Мулоқот учун телефонлар: (998-71) 1394835, 1391462.

Ахборот маркази телевидениега ноҳукумат ташкилотларга ва ўқув юртларига уларнинг талабларига биноан бериши мумкин бўлган БМТ видеодастурлари коллекциясига эга. Видеодастурлар томошаси бевосита Марказнинг ўзида ҳам ташкил этилиши мумкин. Бу эрда шу каби семинарлар ва бошқа тадбирлар ҳам тез-тез ўтказилиб турилади.

Ноширлик фаолияти

Ахборот маркази фаолиятининг муҳим ёналишларидан бири – БМТ нашрларини ўзбек тилида қайта нашр этишдан иборатдир. Кейинги йилларда ўзбек китобхонлари БМТнинг "БМТни биласизми?", "БМТ юртида" каби таниқли китобларни қўлларига олдилар. Маказ, шунингдек, Бош Ассамблеянинг махсус сессияларига бағишланган, БМТнинг муҳим бутунжаҳон конференцияларига тўғри келадиган ахборот материалларини ўзбек тилига таржима қилмоқда ва тарқатмоқда. Бундан ташқари, Ахборот маркази БМТнинг О'збекистондаги дастурлари ва агентликларига уларнинг даврий ҳисоботлари ва бошқа нашрларини таёрлашда кўмаклашяпти.

БМТни биласизми?

Кўпчилигимиз, албатта, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни барқарор этиш ёки инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш билан боғлиқ фаолияти борасида эшитганмиз. Бироқ унинг ҳаётимизга бевосита таъсир кўрсатаётган бошқа кўплаб фаолиятлари тўғрисида замондошларимиз ҳар доим ҳам батафсил маълумотга эга бўлолмайдилар. Мазкур ишимда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўз фаолияти билан бутун жаҳон халқлари ҳаёт тарзини яхшилашга қандай ёрдамлашаётгани ҳақида ҳикоя қилиш билан бирга бу ташкилотнинг қачон ташкил этилгани ва қандай ишлар билан шуғулланаётгани борасида қисқача маълумот берилади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бутун инсоният дуч келаётган муаммолар ҳал этиладиган марказдир. Мазкур фаолият Бирлашган

Миллатлар Ташкилоти тизимини ташкил этувчи 30 дан ортиқ ташкилотнинг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари натижаси ўлароқ амалга оширилади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг тизимидаги ташкилотлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, атроф муҳитни муҳофаза этиш, турли хавфли касалликларга қарши курашиш, тараққиётни барқарор этишга ёрдамлашиш ва қашшоқликка қарши курашиш борасида кундан кун фаолроқ иш олиб бормоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти муассасалари ҳаво ва денгиз орқали хавфсиз ва самарали алоқаларни ёълга қўйиш норма ва қоидаларини ишлаб чиқади, тетелекоммуникатсияларни такомиллаштириш ва талабгорлар ҳожатини кондириша кўмаклашади, интеллектуал мулк ҳуқуқига ҳурмат-эътибор билан ёндошиш ва радиотўлқинларни тарқатишни тартибга солишга ёрдамлашади. Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланиши ва терроризмга қарши кураш халқаро компаниясининг ҳам ташаббускоридир. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг муассасалари дунёнинг барча минтақаларида фаолият кўрсатиб қочоқларга ёрдам қўлини чўзади ва Миналардан тозалаш дастўрини амалга оширади, ичимлик сувларининг сифатини яхшилашга ёрдамлашади ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажминини кенгайтиради, ривожланаётган мамлакатларга қарз беради ва молиявий бозорларни барқарорлаштиришга кўмаклашади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қандай фаолият кўрсатади?

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1945 йил 24 октабрда, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва ялпи хавфсизликни мустаҳкамлаш туфайли тинчликни барқарор этиш журъати билан тўлиб-тошган 51 мамлакат томонидан ташкил этилди. Бугунги кунда 185 мамлакат, яъни дунёнинг қарийб барча мамлакатлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзоларидир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзоси бўлган давлат халқаро муносабатларнинг асосий тамойиллари акс этган, халққаро шартномалардан иборат бўлган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомида баён этилган

мажбуриятларни қабул этади. Низомга биноан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тўртта асосий мақсадга амал қилади: халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга кўмаклашиш, миллатлар ўртасида дўстона алоқаларни ривожлантириш, халқаро муаммоларни ҳал этишда ва инсон ҳуқуқларини ҳурматлашни рағбатлантиришда, халқаро ҳамкорликни барқарор этиш ҳамда ушбу умумий мақсадларга эришишда миллатлар сўй-ҳаракатлари, келишувлари учун марказий ролни ўйнаш.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолари - мустақил давлатлардир. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бутунжаҳон ҳукумати эмас ва у қонунлар қабул қилмайди. Бироқ халқаро можароларни бартараф этишга ва бизнинг барчамизга дахлдор бўлган масалаларни ҳал этиш сиёсатини ишлаб чиқишга ёрдам бера оладиган маблағларга эга бўлади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотига барча катта-кичик, бой ва камбағал, турли сиёсий қарашлар ва ижтимоий тизимдаги давлатлар аъзо бўлиб, улар овоз бериш ва овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотида олтинчи бош орган мавжуд. Улардан бештаси - Бош Ассамблея, Хавфсизлик Кенгаши, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш, Васийлик Кенгаши ва Котибият - Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Ёркдаги Марказий қароргоҳида, олтинчи орган - Халқаро Суд эса Нидерландиянинг Гаага шаҳрида фаолият кўрсатади.

Бош Ассамблея

Бош Ассамблея - ўзига хос бутунжаҳон парламентининг инсониятнинг энг долзарб муаммолари кўриб чиқиладиган мажлисларида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзоси бўлган барча мамлакатлар вакиллари қатнашади. Ҳар бир аъзо-мамлакат бир овозга эга. Халқаро тинчлик ва хавфсизликни муайян даражада сақлаб қолиш тавсиялари янги аъзоларни қабул қилиш ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бюджетини тасдиқлаш, шу жумладан, тинчликни сақлаш оператсияларига маблағ ажратиш сингари муҳим масалалар кўпчилиқ, аниқроғи, учдан икки қисм овоз билан қабул этилади.

Бошқа масалалар бўйича қарорлар, одатдагидек, кўпчилик овоз билан қабул этилаверади. Кейинги йилларда Ассамблея қарорлари расмий овоз бериш ёли билан эмас, балки, консесус асосида қабул этилиши учун махсус саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. 1999/2000 йилги сессияларда ядровий қуролсизланиш, таракқиёт, атроф муҳитни муҳофаза этиш ва янгича демократияни мустаҳкамлаш сингари кун тартибидаги турли-туман 173 масала кўриб чиқилиши керак эди. Оъз қарорлари ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлса ҳам, улар жаҳон жамоатчилиги фикрларини ифодаласа ва халқаро жамоатчиликнинг ахлоқий талаби ҳисобланса ҳам Ассамблея ўз қарорларини мажбуран қабул қилдирмайди.

Ассамблеянинг ҳар йилги навбатдаги сессияси сентябрдан декабрга қадар бўлган муддат давомида ўтказилади. Ассамблея зарурат туғилганда ўз ишини қайта чақирилган сессияда давом эттириши ёки жиддий ташвиш туғдирган масалалар бўйича махсус ёки фавқулодда сессиялар ўтказиши мумкин. Ассамблеялар орасидаги муддат давомида унинг ишлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг олтига бош кўмиталарида, бошқа органларида ва Котибиятда давом этади.

Хавфсизлик Кенгаши

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомига мувофиқ халқаро тинчлик ва хавфсизликни барқарор этиш борасида Хавфсизлик Кенгаши бош жавобгарликни зиммасига олади ва у тинчлик хавф остида қолган кеча ёки кундузнинг ҳар қандай дақиқасида чақирилиши мумкин.

Кенгаш 15 аъзодан ташкил топган. Уларнинг бештаси - Хитой, Россия Федератсияси, Бирлашган Кироллик, Америка Кўшма Штатлари ва Франция - доимий аъзолар ҳисобланади. Кенгашнинг қолган ўн аъзоси Бош Ассамблея томонидан икки йил муддатга сайланадилар. Кейинги йилларда Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Кенгашнинг аъзолар таркибини ўзгартириш, бу тадбир замонавий ва иқтисодий воқеликни янада ёрқинроқ акс эттириши масаласи муҳокама қилинапти.

Кенгашнинг қарорлари, унинг учун тўққиз аъзо овоз берган тақдирдагина қабул қилинган ҳисобланади. Кун тартибидаги масалага Кенгашнинг доимий аъзоларидан бирортаси қарши овоз берса, шунингдек, вето ҳуқуқидан фойдаланса қарор қабул қилинмайди.

Халқаро тинчликка хавф солинганлиги ҳақида кенгашга хабар берилганда бу можаро аввало тинчлик ёъли билан бартараф этиш нуқтаи назаридан кўриб чиқилади. Кенгаш, балки бартараф этиш тамойилларини ишлаб чиқади ёки ҳакам вазифасини ўтайди. Ҳарбий ҳаракатлар бошланиб кетган тақдирда

Кенгаш ўт очишни тўхтатиш чораларини кўради. Шунингдек, у томонларни яраштириш ёки бир-бирлари билан жанжаллашаётганларни ажратишга ёрдам берадиган, тинчликни барқарор этувчи миссия юбориши мумкин.

Кенгаш ўзи қабул этган қарорларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича тадбирлар қабул қилиши мумкин. У иқтисодий жазо чоралари қўллаши ёки қуролларни етказиб беришга эмбарго қўйиши мумкин. Жуда камдан-кам ҳолларда Кенгаш ўзи қабул қилган қарорни бажариш учун аъзо-мамлакатга биргаликдаги ҳарбий ҳаракатларга қадар бўлган "барча зарур воситаларни" қўллашга ваколат беради.

Шунингдек, Кенгаш Бош котиб лавозимига муайян номзодни ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотига янги аъзоларни тавсия этади.

Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш

Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш Бош Ассамблеянинг умумий раҳбарлиги остида ҳаракат қилиб Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг тизимидаги муассасалар фаолиятини ижтимоий ва иқтисодий соҳада мувофиқлаштириб туради. Халқаро иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни муҳокама этиш ва шу соҳадаги сиёсат борасида тавсиялар ишлаб чиқиш учун бош анжуман ҳисобланган Кенгаш тараққиёт мақсадларида халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим рол ўйнайди. Кенгаш иш фаолиятида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Фуқаролар жамияти ўртасидаги ўша

муҳим ҳаётий мулоқотни қўллаб-қувватлаган ҳолда тегишли ноҳукумат ташкилотлари билан маслаҳатлашади.

Кенгаш таркибига Бош Ассамблея томонидан уч йилга сайланадиган 54 нафар аъзо киради. Кенгаш ҳар йили - Нью-Ёрк ва Женевада, галма-галдан - ўзининг бир ой муддатга чўзиладиган сессиясини ўтказди. Сессия давомида муҳим иқтисодий ва ижтимоий масалаларни муҳокама этиш учун министрлар даражасида мажлис, 1998 йилдан эса сессия доирасида инсонпарварлик масалаларини кўриб чиқиш босқичи ўтказилмоқда.

Кенгашнинг ишлари йил мобайнида ўз йиғилишларини мунтазам ўтказиб турадиган ва Кенгашга ҳисобот берадиган ёрдамчи ташкилотлар томонидан олиб борилади. Масалан, инсон ҳуқуқлари комиссияси дунёнинг барча мамлакатларида инсон ҳуқуқларига қандай риоя этилаётганлигини назорат қилади. Бошқа ташкилотлар ижтимоий тараққиёт, хотин-қизларнинг аҳволи, жиноятчиликдан огоҳ этиш, гиёҳвандликка қарши кураш ва атроф муҳитни муҳофаза этиш масалалари билан шуғулланадилар. Бешта ҳудудий комиссия иқтисодий тараққиёт ва ўз ҳудудларида иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга ёрдам беради.

Васийлик Кенгаши

Васийлик Кенгаши 7 аъзо-мамлакат қўл остидаги 11 васийлик ҳудудида халқаро назоратни таъминлаш, шунингдек, уларнинг ҳукуматлари бу ҳудудларда ўз-ўзини бошқариш ёки мустақилликнинг зарур чоратadbирларини кўришлари учун халқаро назоратни таъминлаш мақсадида ташкил этилган. 1994 йилга келиб васийлик ҳудудларининг барчаси ўзларини бошқара бошладилар ёки алоҳида давлатга айланиб мустақилликка эришдилар, ёхуд мустақил қўшни давлатлар билан қўшилишди. Энг охири бўлиб бундай тадбирни Кўшма Штатлари қўл остида бўлган Тинч океан ороллари (Палау) васийлик ҳудуди амалга оширди ва 185-аъзо давлат бўлиб қолди.

Ҳозирги пайтда, таркибига Хавфсизлик Кенгашининг беш доимий аъзоси киргани сабабли Васийлик Кенгаши ишлари, асосан, тугалланди,

унинг иш тартиби қоидаларига тегишли ўзгартиришлар киритилди, яъни у ўзининг йиғилишларини фақат шарт-шароит тақозо этган ҳоллардагина ўтказадиган бўлди.

Халқаро Суд

Халқаро Суд - Бутунжаҳон суди сифатида ҳаммага маълум бўлиб, у Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош суд органидир. Бош Ассамблея ва Хавфсизлик Кенгаши томонидан сайланган 15 судьядан ташкил топган Халқаро Суд давлатлар ўртасидаги можароларни бартараф этиш билан шуғулланади. Давлатларнинг - суд муҳокамасида қатнашишлари ихтиёрийдир, бироқ давлатлар шунга рози бўлсалар, улар Суд қарорига бўйсунушлари шарт. Шунингдек, Бош Ассамблея ва Хавфсизлик Кенгаши илтимослари билан Суд консултатив хулосалар чиқариш ишлари билан ҳам шуғулланади.

Котибият

Котибият Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси, Хавфсизлик Кенгаши ва бошқа ташкилотлари кўрсатмаларига мувофиқ тезкор ва маъмурий ишларни амалга оширади. Уни умумий маъмурий раҳбарликни олиб борадиган Бош котиб бошқаради.

Ҳозирги вақтда Котибият қарийб дунёнинг 160 мамлакатидан бўлган 8900 киши ишлайдиган етти депортамент ва турли бошқармалардан ташкил топган. Бундан ташқари Нью-Ёрк, Женева, Вена ва Найробида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бўлимлари мавжуд.

БМТ тинчликни барқарор этиш учун нималар қилади?

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг энг бош вазифаларидан бири - бутун дунёда тинчликни барқарор этишдир. Низомга биноан аъзо-мамлакатлар ўзларининг халқаро келишмовчиликларини тинч ёъл билан ҳал этади, қуролли кучларни бошқа давлатларга нисбатан қўлламайдилар, уларга таҳдид солмайдилар.

Кўп йиллар мобайнида халқаро кризисларни бартараф этиш ва пайдо бўлган можароларни ҳал қилишга ёрдам беришда Бирлашган Миллатлар

Ташкилоти муҳим рол ўйнади. У тинчликни ўрнатиш, тинчликни сақлаб қолиш ва инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш борасида кўплаб оператсиялар туркумини амалга оширди. Шунингдек у бирмунча жиддий тус олган можароларни ҳам бартараф этишга муваффақ бўлди. Можаролар келиб чиққан ҳолларда у зўравонликнинг туб илдизларини қирқиш ва мустаҳкам тинчлик учун асослар яратишга ёъналтирилган ва координатсиялаштирилган янада қатъий чора-тадбирлар қабул қилади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бу борада диққатга сазовор натижаларни қўлга киритди. Масалан, 1962 йилги Кариб кризисини, 1973 йилги Яқин Шарқ жанжалидаги кескинликни бартараф этишга муваффақ бўлди. 1988 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинч ёъл билан ҳал этиш борасидаги саъй-ҳаракатлари Эрон-Ироқ урушини бартараф этиш имконини берди, ундан кейинги йили Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташаббуси билан ўтказилган музокаралар туфайли совет қўшинлари Афғонистондан олиб чиқилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 90-йилларда Кувайт мустақиллигини тиклашга ёрдам берди, Камбоджа, Салвадор, Гватемала ва Мозамбикда фуқаролар урушини тўхтатишда, Гаити ва Серра-Леонда демократия асосида сайланган ҳукуматни тиклашда катта рол ўйнади, шунингдек, қатор бошқа мамлакатлардаги келишмовчиликларни бартараф этди ва ҳал қилди.

Куролсизланиш

Курол-яроғлар тарқалишига чек қўйиш, шунингдек, ялпи қирғин куролларининг қисқартирилиши, пировардида, уларнинг барча захиралари ёъқотилишига эришиш энг муҳим вазифалардан биридир. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти куролсизланиш бўйича музокаралар ўтказиш, шу соҳада тавсиялар ишлаб чиқиш ва тадқиқотлар ташаббускори бўлиш учун доимий форум вазифасини ўтайди. У куролсизланиш бўйича Конференсия ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида олиб бориладиган кўпқиррали музокараларни қўллаб-қувватлайди. Бу музокаралар натижасида Ядро куролини тарқатмаслик ҳақидаги кенг қамровли шартнома (1996 й.) ва ядро

куролидан холи зона тўғрисидаги шартнома каби халқаро келишувлар рўёбга чиқди.

Шунингдек, бундан бошқа кимёвий (1992 йил) ва бактериологик (1972) курулларнинг захираларини тайёрлаш, ишлаб чиқиш ва тўплашни таъқиқловчи, денгиз ва океанлар тубига (1971 йил) ва космик фазога (1967 йил) ядро курулини жойлаштиришни таъқиқловчи шартномалар, шу сингари яна бошқа турдаги курулларни таъқиқловчи ёки чегараловчи шартномалар тузилган эди. 1977 йилда ер усти миналаридан фойдаланишни таъқиқловчи конвенсияга 100 дан ортиқ давлат имзо чекди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти мана шу конвенсияга ва вайрон килувчи турдаги куруллардан фойдаланишни таъқиқловчи бошқа халқаро шартномаларга барча давлатларни қўшилишга чақирди. БМТ шунингдек, ўқ отар ва енгил куруллар устидан назоратни кучайтиришнинг ҳам тарафдоридир. Бош Ассамблея қарорига биноан халқаро конференция ўқ отиш куруллари билан ноқонуний савдо қилиш бўйича масалани 2001 йилда кўриб чиқади.

Венада жойлашган атом энергияси бўйича халқаро агентлик, кафолатлар борасидаги битимлар тизими асосида фаолият кўрсатиб, тинчлик мақсадларида фойдаланиш учун мўлжалланган атом ашёлари ва жиҳозларидан ҳарбий мақсадларда фойдаланилмаслигини таъминлашга жавоб беради. Гаагада жойлашган Кимёвий курулларни таъқиқлаш бўйича ташкилот жаҳоннинг барча мамлакатлари кимёвий объектлари ҳақида маълумот йиғиш билан шуғулланади ва кимёвий куруллар бўйича Конвенсияга амал қилиш учун назоратни таъминлаш мақсадида доимий кузатув олиб боради.

Тинчликни барқарор этиш

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўзининг тинчлик ўрнатиш фаолияти доирасида дипломатик механизмлардан фойдаланган ҳолда қарама-қарши бўлиб қолган томонларнинг ярашишларига ёрдам беради. Хавфсизлик Кенгаши халқаро тинчлик ва хавфсизлик борасидаги ўз саъй-ҳаракатлари

доирасида можарони бартараф этиш ва тинчлик ўрнатиш ёки уни, масалан, музокаралар ёхуд Халқаро Суд ёрдамида барқарор этиш ёлларини тавсия қилиши мумкин.

Тинчликни барқарор этиш ишида Бош котиб муҳим рол ўйнайди. У Хавфсизлик Кенгаши эътиборига ўз фикри бўйича халқаро тинчлик ва хавфсизликка таҳдид солаётган ҳар қандай муаммони ҳавола этиши мумкин. Бош котиб "беминнат хизмат"дан, воситачилик функциясидан фойдаланиши ёки сахна ортида бевосита ўзи ёки махсус вакил орқали "тинч дипломатия" билан иш олиб бориши керак. Бош котиб, шунингдек, ҳолат кесинлашгунига қадар жанжалнинг олдини олиш учун "огоҳлантирувчи дипломатия" механизмидан ҳам фойдаланиши мумкин. Бундан ташқари фактларни аниқлаш, ҳудудий доирада шуғулланаётган тинчлик ўрнатувчиларни қўллаб-қувватлаш, мамлакатларда - томонларга ишончни мустаҳкамлашга ёрдам кўрсатадиган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг сиёсий бўлимларини очиш учун миссия жўнатиши мумкин.

Тинч қурилиш

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фаолияти - жабр-зулмнинг туб сабабларини имкон қадар кўпроқ бартараф этишга қаратилгандир. Шунинг учун ҳам тинч қурилишнинг энг муҳим унсурларидан бири - тараққиёт учун ёрдамни аямасликдир. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимнинг бошқа ташкилотлари билан ҳамкорликда ва давлатлар орасидаги донор мамлакатлар ҳамда ноҳукумат ташкилотлари иштирокида бутун жамиятнинг бахт-саодати учун, қонун-қоидалар устуворлигини барқарор этиш учун можаролар оқибатларини бошдан кечираётган мамлакатларда сайловлар ўтказиш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ёъналтирилган, бошқаришни такомиллаштиришни қўллаб-қувватлайдиган ёрдам кўрсатади. Айти пайтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бу мамлакатларга можаролар оқибатида издан чиққан маъмурий тизимни, соғлиқни сақлаш, халқ таълими ва ижтимоий инфраструктуранинг бошқа унсурларини тиклашга ёрдам беради.

Мазкур фаолиятнинг 1989 йилда Намибияда сайловларнинг ўтказилишини, Мозамбикда миналардан тозалаш дастури ва Гаитида фуқаро политсияси ходимларини тайёрлашни кузатиш каби баъзи турлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни ўрнатиш бўйича оператсиялари доирасида амалга оширилди, бу ҳолда ушбу фаолиятнинг баъзи жиҳатлари тинчликни ўрнатиш оператсиясидан кейин ҳам давом этиши мумкин. Фаолиятнинг бошқа, масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Либерияда тинч қурилиш жараёнини қўллаб-қувватлаш бўйича ўз бўлимини очиши, Камбоджада Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича бўлимининг фаолият кўрсатиб туриши ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гватемалада мамлакат ҳаётининг қарийб барча жабҳаларига таъсир кўрсатиб, тинчлик битимлари тузилишига ёрдам бераётгани каби турлари ҳукуматларнинг илтимосига биноан амалга оширилади.

Тинчликни сақлаб қолиш

Хавфсизлик Кенгаши ўзининг тинчликни сақлаш ва халқаро хавфсизлик борасидаги саъй-ҳаракатлари доирасида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни сақлаш бўйича оператсияларининг ваколат ва мандат доираларини тасдиқлаб беради. Музокаралар даврасида узок муддатга мўлжалланган қарорлар устида изланишлар олиб борилаётган пайтда, бундай оператсияларнинг кўпчилигида ўт очишни тўхтатиш режимини кузатаётган ёки оралик зона ташкил этган ҳарбий хизматчилар иштироки кўзда тутилади. Бошқа оператсияларда сайловларни ташкил этишга ёрдамлашадиган ёки инсон ҳуқуқлари ҳимоя этилишини назорат қиладиган фуқаро политсиячилар ва фуқаро мутахассислар иштирок этишлари мумкин. Собиқ Югославия Республикасининг Македониясида амалга оширилган шунга ўхшаш баъзи оператсиялар эҳтиёт чораси сифатида талқин этилди ва у ҳарбий ҳаракатларни кенгайтиб кетишининг олдини олди. Кўпгина ҳолларда оператсиялар тинч музокараларга амал қилинишини

назорат этишга ёъналтирилади ва худудий ташкилотнинг тинчлик ўрнатувчи кучлари билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Тинчлик ўрнатиш оператсиялари бир неча йилга қадар давом этиши мумкин. Масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўиндистон ва Покистоннинг Жамму ва Кашмир штатлари ўртасидаги ўт очиш тўхтатилиши лозим бўлган линия бўйлаб фаолият кўрсатаётган оператсияси 1949 йилдан буён давом этади, Кипрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни барқарор этувчилари 1964 йилдан бери посбонлик қилмоқдалар. Бошқа бир томондан, 1994 йил Ливия ва Чад ўртасидаги Аозу минтақасида оператсия ўтказиш учун бир ойдан ортиқрок муддат зарур бўлди.

1948 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчлик ўрнатувчи энг биринчи миссияси шаклланган сонияларданоқ Ташкилот ихтиёрига 118 мамлакат ихтиёрий равишда 750 000 нафар ҳарбий хизматчи ва фуқаро политсиячилари ажратдилар. Улар минглаб фуқаро мутахассислар билан биргаликда тинчлик ўрнатиш борасида амалга оширилган 53 оператсияда иштирок этдилар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчлик ўрнатиш бўйича фаолияти

Африкада...

Узоқ йиллар мобайнида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни барқарор этиш борасидаги саъй-ҳаракатлари, уч ўнйилликка чўзилган Жанубий Африкадаги апартеидга қарши кураш компаниясини, Намибиянинг мустақилликни кўлга киритиш жараёнини фаол кўллаб-қувватланишини, тинчликни ўрнатиш бўйича амалга оширилган 18 оператсия ва сайловлар ўтказишни кўллаб-қувватлаш бўйича қатор миссияларни шу жумлага қўшганда ғоят хилма-хил шаклларда амалга оширилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Мозамбикдаги қочоқларнинг ўз уйларига қайтишларига ёрдам берди, Сомали ва Суданда инсонпарварлик ёрдами кўрсатди ва Буюк кўллар раёнида тинчликни ўрнатиш бўйича

дипломатик саъй-ҳаракатлар олиб борди. У Жанубий Сахара келажаги тўғрисидаги масала бўйича референдум тайёрлашга ёрдам бермоқда. Яқинда Хавфсизлик Кенгаши илтимосига биноан Бош қотиб Африка мамлакатларидаги можароларнинг ҳар томонлама таҳлилини мустаҳкам тинчлик ўрнатишга маълум даражада ёрдам берадиган тавсиялар билан тайёрлади.

1999 йилда Хавфсизлик Кенгаши тинчликни бақарор этиш бўйича Серра-Леон ва Конго Демократик Республикасида иккита янги оператсия ташкил этди.

Осиёда...

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Камбоджа мамлакатада 1992-1993 йиллардаги кенг кўламли оператсияси тугалланганидан кейин Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизими муассаса ва ташкилотлари фуқаролик жамияти, инсон ҳуқуқлари ва демократияни мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини давом эттирмоқдалар.

Афғонистонда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг махсус миссияси 1993 йилдан буён фаолият кўрсатмоқда. Унинг вазифаси миллий яраш ва узоқ давом этган фуқаролар уруши натижасида издан чиққан хўжаликни тиклашга ёрдам беришдан иборатдир. Бироқ, Бош қотиб ва унинг махсус вакилларининг қатъий дипломатик саъй-ҳаракатларига қарамасдан мамлакатда жуда катта инсонпарварлик харажатларини талаб қилаётган ҳарбий ҳаракатлар давом этмоқда, бу - Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг афғон халқига ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятига жиддий таъсир кўрсатяпти.

Шарқий Тиморда БМТ ёрдамида Индонезия ва Португалия ўртасида ўтказилган, мазкур ҳудуднинг мақоми борасида бутунжаҳон референдуми учун ёъл очган музоқаралар 1999 йили май ойида яқунланади. Шу музоқараларга биноан БМТ миссияси овоз берувчиларни рўйхатга олиш ишини кузатиб борди ва 1999 йилнинг августидаги бу референдумда Шарқий Тимор аҳолисининг 78 фоизи Индонезиядан мустақил бўлиш учун овоз берди. Референдум яқунлари эълон қилинганда мустақилликка қарши турган

милиция Шарқий Тиморнинг 200 минг аҳолисини ўз уйларини ташлаб кетиш учун мажбурлашга ҳаракат қилди. 1999 йилнинг сентябр ойида Хавфсизлик кенгаши тартиб ўрнатишга ёрдам берган халқаро хавфсизлик кучларини жунатиш учун қарор қабул қилди. БМТнинг муваққат маъмурияти халқаро кучларни алмаштирди ва айти пайтда Шарқий Тиморда мустақилликни амалга ошириш жароёнини кузатиб бормоқда.

Европада...

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қарийб 4 миллион кишига фавқулодда инсонпарварлик ёрдами кўрсатиб собиқ Югославиядаги можароларни бартараф этишга астойдил ҳаракат қилмоқда. 1991 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қурол-яроғ етказиб беришга чек қўйди; айти пайтда Бош қотиб ва унинг вакили қон тўкишни тўхтатиш учун ёъналтирилган дипломатик саъй-ҳаракатлар билан ёрдам қила бошлади. 1992 йилдан 1995 йилга қадар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни барқарор этувчи кучлари Хорватияда тинчлик ва хавфсизликни тиклашга ҳаракат қилдилар, Босния ва Герсеговиния фуқаро аҳолисининг хавфсизлигини таъминлашга ёрдам бердилар, шунингдек, собиқ Югославиянинг Македония республикаси уруш гирдобига тортиб кетилмаслигига кўмаклашдилар. 1995 йилдаги Дейтон (Париж) тинчлик битими тузилганидан кейин Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тўртта миссияси бу ҳудудда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга кўмаклашдилар. Уларнинг бирмунча йириги ҳисобланган - Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Шарқий Словония учун муваққат маъмурияти Хорватия таркибидаги бу ҳудуднинг реинтеграция жараёнини кузатиб турди. Косовода (Югославия Федерал Республикаси) НАТОнинг бомбардимонларини тўхтатилганидан ва Югославия қуролли кучлари чиқарилганидан сўнг, 1999 йили бу ерда БМТ муваққат халқаро маъмурият ташкил этди. Хавфсизлик кенгаши БМТнинг бу маъмуриятига Косово ҳудуди ва халқига нисбатан барча қонуний, ижройи ва ҳуқуқий ваколатларга қадар бўлган фавқулодда ваколатлар яратиб бермоқда. Европа иттифоқи,

Европа хавфсизлиги ва ҳамкорлиги ташкилоти, БМТнинг қочоқлар иши бўйича Олий комиссари ва Бирлашаган Миллатлар Ташкилоти демократик жамият ҳамда барқарор автономия ташкил этишда Косово халқи билан иш олиб бормоқда.

Америка қитъасида...

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни барқарор этиш борасидаги фаолияти ва унинг тинчликни ўрнатиш бўйича саъй-ҳаракатлари Марказий Америкада пайдо бўлган тўқнашувни бартараф этишда катта рол ўйнади. 1989 йили Никарагуада тинчлик ўрнатиш борасидаги саъй-ҳаракатлар туфайли қаршилик кўрсатиш кучлари ихтиёрий тарзда тарқатиб юборилди ва унинг қатнашчилари ўз қуролларини Бирлашган Миллатлар Ташкилотига топширди. 1990 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилоти миссияси Никарагуадаги сайловларни кузатди - бу, мустақил мамлакатда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кузатувида ўтган биринчи сайлов эди.

Салвадордаги Бош котиб воситачилигида ўтган тинч музокаралар 12 йил давом этган ҳарбий ҳаракатларга чек қўйди ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни барқарор этиш бўйича миссияси барча келишувларнинг амалга оширилишини кузатиб туришни таъминлади. Гватемалада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ёрдамида ташкил этилган музокаралар туфайли 35 йиллик фуқаролар уруши тўхтатилди. Бугун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гватемаладаги Назорат комиссияси кенг кўламдаги тинчлик битимлари тўла-тўқис амалга оширилишини таъминлаш учун даъват этилган.

Гаитида демократик ёъл билан сайланган мамлакат ҳукуматини қайта тиклаш бўйича халқаро чора-тадбирлар амалга оширилганидан кейин Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўз ишини миллий политсияга таълим бериш билан давом эттирмоқда.

Яқин Шарқда...

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бешта ўнйиллик мобайнида (бу муддат давомида беш марта кенг кўламдаги уруш олови аланга олган) Араб -

Исроил можаросига катта диққат-эътибор билан қараб келади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳаққоний ва мустақкам тинчлик ўрнатиш тамойилларини муаммони ҳал этишнинг мустақкам асоси бўлиб қоладиган Хавфсизлик Кенгашининг 242 (1967) ва 338 (1973) сонли иккита таянч резолютсияларида ишлаб чиқди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти сиёсий муаммолар асосида келиб чиққан можароларни бартараф этишга ёъналтирилган бошқа ташаббусларни ҳам қўллаб-қувватлади ва бу минтақага қатор тинчлик ўрнатувчи миссиялар жўнатди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1948 йилда ташкил этилган биринчи ҳарбий кузатувчилари гуруҳи минтақада бугунги кунда ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда. 1956 йилдаги Суес кризиси даврида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тинчлик ўрнатиш бўйича ўзининг биринчи кучларини ташкил этди.

Ҳозирги пайтда минтақада тинчликни барқарор этувчи иккита миссия фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 1974 йилда ташкил этилган биттаси Голан тепаликларида Исроил ва Сурия қуролли кучларини ажратиб турадиган минтақани назорат этади; 1978 йилда тузилган иккинчиси барқарорликни таъминлашга ва Ливаннинг жанубий қисмида яшаётган аҳоли ҳимоя қилинишини таъминлашга ёрдам беради.

Яқин Шарқнинг бошқа раёнлари ҳақида шуни айтиш керакки, 1991 йили Кувайт мустақиллиги тикланганидан кейин Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кузатувчилар миссияси Ироқ ва Кувайт ўртасидаги қуролсизлантирилган минтақанинг назорат қилинишини таъминламоқда.

БМТ адолатни барқарор этиш, инсон ҳуқуқлари ва халқаро ҳуқуқ борасида нималар қилмоқда?

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти саъй-ҳаракатлари туфайли дунёни бизнинг ҳаммамиз учун янада беҳатар ва соғлом, янада истиқболли ва пок қилиш учун ҳукуматлар билан юзлаб кўптомонлама шартномалар тузилган. Халқаро ҳуқуқ нормаларининг бу кенгқамровли мажмуи ва инсон ҳуқуқлари

стандартларининг ишлаб чиқилиши Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг энг улкан ютуқлари ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари

1948 йили Бош Ассамблея томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари декларациясида барча эркак ва аёллар учун умумий бўлган асосий ҳуқуқ ва эркинликлар, жумладан, яшаш, озодлик ва фуқаролик ҳуқуқлари, фикр, виждон ва дин эркинликлари, меҳнат қилиш, билим олиш ва бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқлари эълон қилинган.

Иштирокчилари кўпчилик давлатлар ҳисобланган икки халқаро битим бу ҳуқуқларга юридик жиҳатдан мажбурий характер касб этади. Битимларнинг бири иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар. Иккинчиси эса - фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларга бағишланган. Декларация билан биргаликда улар инсон ҳуқуқлари ҳақидаги Халқаро биллени ташкил этади.

Декларация инсон ҳуқуқлари борасида, жумладан, ирқий камситиш ва хотин-қизларни камситишга барҳам бериш тўғрисидаги конвенция; болалар ҳуқуқлари ҳақидаги конвенция, қочоқлик мақоми ва генотсидга барҳам бериш, ўз тақдирини ўзи ҳал этиш, зўравонлик билан ёъқотиб юбориш тўғрисидаги декларациялар ва тараққиёт ҳуқуқи каби 80 дан ортиқ конвенция ва бошқа декларацияларни тайёрлаш учун пойдевор кўйди.

Нормаларни ишлаб чиқиш фаолияти ниҳоясига етаётган айни пайтларда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўзининг инсон ҳуқуқлари борасидаги ишларида асосий эътиборни жорий этилган нормаларни ҳаётга татбиқ этилишига қаратмоқда. Инсон ҳуқуқлари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизими бутун фаолиятини мувофиқлаштирувчи Олий комиссар ҳар қандай бузғунчиликнинг олди олиниши, ҳар қандай жиноят тафтиш этилишига эришиб, инсон ҳуқуқлари янада яхшироқ муҳофаза қилинишини таъминлаш мақсадида ҳукуматлар билан ҳамкорлик қилади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси ҳукуматлараро орган ҳисобланиб, давлатлар томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бағишланган масалаларни оммавий кўрибиғиш ишларини

амалга оширади. У инсон ҳуқуқлари бузилган муайян ҳолат тўғрисида маъруза тақдим этиш учун ёки баъзи бир мамлакатдаги инсон ҳуқуқлари соҳасидаги аҳволни ўрганиш учун мустақил экспертлар - "махсус маърузачилар" тайинлайди. Женева-даги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бўлимида кенг жамоатчилик учун инсон ҳуқуқлари бузилганлиги ҳақидаги ахборотлар берадиган факсимал алоқанинг бевосита очик линияси (41-22-917-0092) фаолият кўрсатмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича ташкилотлари илгаридан огоҳлантириш ва можароларнинг олдини олиш, турли тадбирларини қўллаш, шунингдек, келишмовчиликларнинг туб илдизларини қирқишга ёъналтирилган саъй-ҳаракатларни амалга ошириш ёъллари билан фаолият кўрсатади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни сақлаш борасидаги қатор комиссиялари инсон ҳуқуқлари компоненти билан жойлаштирилган: шундай компонент, жумладан, Грузиядаги ва Гватемаладаги миссиялар таркибида мавжуд. Гаитида эса бу иш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Америка давлатлари ташкилотининг биргаликдаги оператсиялари доирасида олиб борилади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги барча тадбирлари ҳозирги пайтда 27 мамлакат ва ҳудудларнинг турли жойларида амалга оширилмоқда.

Инсон ҳуқуқларига ғоят катта ҳурмат-эътибор Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тараққиётга ёрдамлашиш борасидаги саъй-ҳаракатларида яна ҳам сезиларли ўрин эгаллайди. Жумладан, тараққиёт ҳуқуқи ўзида барча фуқаролик, маданий, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳуқуқларни мужассам этган динамик жараённинг муҳим унсури сифатида олиб қаралади ва бу - жамиятнинг барча аъзолари фаровонлигининг ошишига ёрдам беради. Тараққиёт ҳуқуқининг калитини топиш - қашшоқликка барҳам бериш билан изоҳланади, бу эса, ўз навбатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг асосий мақсадларидан биридир.

Халқаро ҳуқуқ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми Бирлашган Миллатлар Ташкилоти олдига халқаро ҳуқуқ ва унинг кодификациясини илғор тараққиёт ёлига буришдан иборат аниқ вазифа қўйган. Бу ишнинг натижаси ҳисобланган конвенциялар, шартномалар ва нормалар халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётга ёрдам бериш учун асос яратади. Бу конвенцияларни ратификация этган давлатлар ҳуқуқий жиҳатдан уни бажаришга мажбурдирлар.

Халқаро ҳуқуқ комиссияси халқаро ҳуқуқий мавзудаги ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди, улар кейин конвенцияга қўшилиши ва давлатларнинг ратификацияси учун зарур бўлиши мумкин. Бу конвенцияларнинг баъзилари давлатлар ўртасидаги муносабатларни регламентга солиш ҳуқуқий нормаларининг асосини ташкил этади. Жумладан, дипломатик алоқалар ҳақидаги конвенция, халқаро очик сув оқимларидан фойдаланиш турларини регламентлайдиган конвенция шундай ҳужжатлардандир. Денгиз ҳуқуқи бўйича конвенция барча мамлакатларга Дунё океани бойликларига тенг ҳуқуқ билан кириб бориш, уни ифлосланишдан муҳофаза қилиш ва кема қатнови ҳамда тадқиқотлар эркинлигига ёрдам бериш учун ёналтирилган. Гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний айлантришга қарши кураш ҳақидаги конвенция гиёҳванд моддаларни тарқатишга қарши курашда ғоят муҳим халқаро-ҳуқуқий восита ҳисобланади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссияси ўзаро мувофиқлаштириш ва халқаро савдо соҳасида ҳуқуқий нормаларни тайёрлашга ёрдамлашиш мақсадида қоида ва бошқариш тамойилларини ишлаб чиқмоқда. Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти халқаро экологик ҳуқуқни ишлаб чиқиш кашшофи ҳамдир. Ерларнинг чўлга айланишига қарши кураш тўғрисидаги конвенция, хавфли чиқиндиларни ташиш ҳақидаги конвенция каби келишувлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг атроф муҳит дастурида ўз тақомилини топмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослаштирилган муассасалари томонидан терроризмга қарши курашнинг асосий ҳуқуқий қуроли ҳисобланган халқаро битим ишлаб чиқилди.

Жазосизликка чек қўйилади

Собиқ Югославиядаги ҳарбий ҳаракатлар давомида юз берган кўплаб инсон ҳуқуқларини бузиш нормалари Хавфсизлик кенгашини ушбу можарода 1993 йили ҳарбий жиноятлар содир этганликда айбланган шахсларни судлаш учун халқаро трибунал ташкил қилишга мажбур этди. 1994 йили Кенгаш Руандадаги генотсидда айбланганларнинг ишларини кўриб чиқиш учун яна бир трибунал ташкил этди. Ушбу трибуналлар айбланганларнинг ишларини кўриб чиқиш бўйича қатор суд мажлислари ўтказдилар. 1998 йил Руанда бўйича трибунал тарихда биринчи марта генотсид жиноятига оид ишлар учун халқаро суд ташкилотининг вердиктини, яъни тарихда илк бор мазкур жиноят бўйича ҳукми эълон қилди. Собиқ Югославия бўйича трибунал, шунингдек, Косоводаги можаролар пайтида содир этилган жиноятларни кўриб чиқаяпти.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг энг асосий мақсадларидан бири - инсон ҳуқуқлари кенг қўламда бузилган ҳолларда бунинг учун жавобгарлик масъулиятини барқарор этиш учун халқаро механизм ташкил қилиш иши ҳукуматлар Халқаро жинойий суд ташкил этишга розилик билдиришганларидан сўнг, 1998 йилда амалга ошди. Генотсидда айбланганларни ва инсонийликка қарши қилинган бошқа жиноятларни жазолаш учун Судда барча зарур воситалар мавжуд. Халқаро ҳамжамият Суд ташкил этиш учун овоз бериб, кимки жиноят содир этса, жазони четлаб ўтишга, қасосдан қутулиб қолишга умид боғламаслиги зарурлигини кўллаб-қувватлади.

Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи соҳасида қатор конвенсиялар ишлаб чиқишга ўз ҳиссасини қўшди.

Адолат ва тенгхуқуқлиликни барқарор этиш борасидаги турли чоратадбирлар 1945 йили ўз эгалари бошқармайдиган ҳудудларда 750 миллион киши яшар эди. Ушбу сон бугунги кунда 1,3 миллионни ташкил этади. Бу ғоят жиддий тадбир Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қарам ҳудудларда яшаётган халқлар орзу-умидларининг қўллаб-қувватланганлиги ва уларнинг мустақилликни тезроқ қўлга киритишлари учун берилган ёрдам туфайли амалга ошди. Бош Ассамблея қарам мамлакатлар ва давлатларга мустақиллик бериш тўғрисида Декларатсия қабул қилган 1960 йилдан буён 60 га яқин собиқ қарам ҳудудларда яшаётган халқлар мустақилликка эришдилар ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тўла ҳуқуқли аъзоларига айландилар. Ассамблея ўз олдига 2000 йилгача колониализмдан халос бўлиш мақсадини қўйган. Оўттиз йилдан ортиқ муддат давомида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан олиб борилган муайян оператсиялар мажмуи туфайли апартеид сингари бутун дунёга маълум бўлган Жанубий Африкадаги ирқий сегрегатсия тизимига барҳам берилди. 1994 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилоти миссияси кузатувчилари иштирокида бу мамлакатда барча ирқлар вакиллари учун очиқ бўлган биринчи сайловлар ўтказилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташкил топган кунлариданоқ барча халқлар тинчлигини барқарор этиш ва барча шакллардаги ирқчиликка қарши курашиш устида иш олиб боради. Бош Ассамблея қарорига мувофиқ 2001 йилда Жанубий Африкада ирқчилик, ирқий камситишлар, ксенофобия ва шу кабиларга тоқат қилиб бўлмаслик масалаларига бағишланган конференция ўтказилади.

БМТ инсонпарварлик ёрдами қўрсатиш борасида нималар қилмоқда?

Ижтимоий ҳалоқатлар ҳар бир жойда ва ҳар қандай вақтда юз бериши мумкин. Бироқ уларнинг сабаби сув босиш ёки қурғоқчилик, zilзила, фуқаролар можароси, бир сўз билан айтганда - нима бўлмасин, - ҳар доим у одамларнинг қурбон бўлишига, халқларнинг аралашиб кетишига, бутун-

бутун жамоаларнинг ўз яшаш имкониятларини ўз кучлари билан таъминлай олмай қолишларига олиб келади ва жуда катта қийинчиликлар туғдиради.

Фавқулодда ёрдам

Шундай фалоқат пайтларида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимининг ташкилотлари жабрланганларга - асосан болалар, аёллар ва қарияларга озиқ-овқатлар ва дори-дармонлар билан ёрдамлашади, уларга бошпана беради ва моддий-техник жиҳатдан қўллаб-қувватлайди. Муҳтожларга бериладиган бундай ёрдамлар учун маблағларнинг миллиард долларини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти халқаро донорлардан топди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти саъй-ҳаракатлари туфайли 1999 йилда қарийб 26 миллион кишига фавқулодда инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш ҳақидаги чақирикқа жавобан 1,4 миллиардга яқин АҚШ доллари йиғилди. 1997-1998 йилларда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 77 табиий офат ва экологик ҳалоқат оқибатларини бартараф этишга кўмаклашиш учун 51 аъзо-мамлакатга ёрдам берди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти инсонпарварлик ёрдамлари бериш билан кенг кўламда моддий-техника таъминоти ва жойларда хавфсизликни таъминлаш муаммоларини ҳал этишга эришади. Талофат кўрган раёнларга етиб боришнинг ўзи ҳам кўпинча мушкул бўлиб, гоҳида жуда мураккаб тўсиқлар орқали ўтиш зарур бўлади. Кейинги йилларда кўпгина тангликлар инсон ҳуқуқларига амал қилмаслик туфайли мураккаблашмоқда. Инсонпарварлик ёрдами кўрсатаётган ходимларни муҳтожликда қолганлар хузурига қўймайдилар, жанжаллашаётган томонлар атайлаб тинч яшаётган аҳоли ва ёрдам олиб бораётганларга қараб ўт очадилар. 1992 йилдан кейинги давр мобайнида дунёнинг турли раёнларида инсонпарварлик оператсиялари олиб бораётганларнинг орасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фуқаро бўлган ходимларининг 180 нафардан ортиғи ҳалок бўлди ва 178 нафари гаровга олинди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари жабрланган аҳоли ҳимоя қилинаётганда юзага

келган келишмовчиликлар шароитида инсонлар ҳуқуқлари бузилишининг яширин хавф-хатарларига ҳам эътибор билан қараган ҳолда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фавқулодда ҳолатлар муносабати билан жойларда олиб бораётган фаолиятида яна ҳам катта рол ўйнайди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ижтимоий бўҳронларни бартараф этиш бўйича ўз ҳаракатини барча асосий инсонпарварлик бўлинмаларини бирлаштрувчи ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фавқулодда ёрдамлар Координатори раислигида фаолият кўрсатувчи комитет орқали мувофиқлаштириб туради. Бу комитет таркибига Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури, Жаҳон озиқ-овқат дастури ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссар Бошқармаси қабила қиради. Унинг таркибида, шунингдек, Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Бирлашган Миллатларнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилотлари, Халқаро Қизил Хоч қаби йирик ҳуқуматлараро ва ноҳуқумат инсонпарварлик ташкилотлари мавжуд.

Инсонпарварлик ёрдамлари

Фавқулодда ёрдамлар Координатори инсонпарварлик ёрдамини ишлаб чиқиш сиёсати ва инсонпарварлик масалаларига эътиборни тортиш, жумладан, ўқ отиш қуролларини тарқатиш оқибатлари ёки санксияларнинг инсонпарварлик қудратидан жамоатчилик хабардорлик даражасини оширишга ёрдамлашиш борасидаги ишлар учун жавоб беради.

Урушлардан, таъқиб этишлардан ёки инсон ҳуқуқларини поймол этилишидан қочиб кетиш билан ҳимояланиб юрган кишиларга - қочоқлар ва кўчирилган шахсларга Қочоқлар иши бўйича Олий комиссар Бошқармаси ёрдам кўрсатади. 1998 йили Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссар Бошқармаси диққат-эътиборида 22 миллион киши бор эди. Унинг бирмунча йирик оператсиялари 2,6 миллион Афғон қочоқлари бўлган Гъарбий Осиёда, бир миллион киши ёрдамга муҳтож бўлган собиқ Югославияда ва ярим миллионга яқин қочоқ тўпланган Африканинг Буюк кўллар раёнида амалга

оширилмоқда. Озиқ-овқат билан фавқулодда кўмак бериш ишларига бу борадаги ёрдам бўйича жаҳон талабининг йилдан йилга учдан икки қисмини қондириб келаётган Жаҳон озиқ-овқат дастури жавоб беради. 1999 йили Бутунжаҳон озиқ-овқат дастури жаҳон бўйича 82 мамлакатдаги 86 миллиондан ортиқ одамларни озиқ-овқат билан таъминлашга ёрдам берди.

Кейинги 10 йил мобайнидаги урушлар ва фуқароларнинг турли жанжаллари натижасида 1 миллионга яқин болалар ўз ота-оналаридан ажралиб қолдилар, 12 миллиони эса бошпанасиз қолди ва 10 миллиони оғир руҳий жароҳат олдилар. ЮНИСЕФ бу болаларнинг талабларини қондириш, уларни озиқ-овқат, ичимлик суви ва турар жой билан таъминлаш учун барча чораларни ишга солмоқда. Бундан ташқари, болаларни ҳарбий тўқнашувлар шароитида ҳимоя этиш, уларга энг зарур шароитларни яратиш бериш саъй-ҳаракатларидан келиб чиқиб, ЮНИСЕФ "тинчлик минтақасидаги каби болалар" концепсиясини ишлаб чиқди ва "тинч турмуш кунлари" ҳамда "тинчлик коридорлари"ни эълон қилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсонпарварлик соҳасидаги фаолиятининг яна бир тармоғи табиий офатларни бартараф этиш ва бунинг учун тайёр туришни таъминлашдан иборатдир. Масалан, 1998 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тараққиёт дастури табиий офатлар юз берган шароитда ишларни ташкил этиш ва 11 мамлакатда уларнинг оқибатларини бартараф қилиш дастури таъсис этди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури бевосита табиий офатлар юз берган шароитида маҳаллий ҳудуд доирасида фавқулодда ёрдам бериш борасидаги ишларни координатсиялаш билан шуғулланади. Шу билан биргаликда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури фавқулодда ёрдамни тикланиш ва узоқ йиллар давомида ривожланиш учун беришига ҳаракат қилади. Узоқ муддатлар мобайнида табиий офатлар гирдобидида қолган ёки можароларини эндигина бартараф этган мамлакатларда инсонпарварлик ёрдамига, асосан, тараққиёт, сиёсий ва молиявий кўмак

билан бир қаторда тинч қурилишни таъминлаш борасидаги умумий чоратадбирлар элементларининг бири сифатида қаралади.

Фаластин қочоқлари

Фаластин қочоқларига ёрдам бериш ишларини 1949 йилдан буён Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Фаластин қочоқларига ёрдам ва Ишларни ташкил этиш бўйича Яқин Шарқ агентлиги олиб бормоқда. Бугунги кунда агентлик рўйхатга олинган 3 миллиондан ортиқ фаластин қочоқларига соғлиқни сақлаш, маориф, фавқулодда ёрдам ва ижтимоий хизмат соҳаларида асосий кўмак бериб келадилар. 1993 йилдан бошлаб Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Координатори - Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ёъли билан Гъазо ва Гъарбий соҳилдаги Фаластин аҳолисига тараққиёт соҳасида бериладиган барча ёрдамлар устидан назорат олиб боради.

Ироқ бўйича Дастур Бошқармаси

1966 йилда муваққат чора сифатида Бош котиб Ироқ бўйича Дастур Бошқармасини таъсис этган эди. Ироқ томонидан Хавфсизлик Кенгашининг бу мамлакатга нисбатан санксия жорий этган қатор резолюциялари бажарилгунига қадар Бошқарма ўзининг "нефт ўрнига озиқ-овқат" дастури асосида Ироқ аҳолисининг инсонпарварлик талабларини қондириб туради.

Тараққиёт мақсадида БМТ нималар қилмоқда?

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг марказий вазифаларидан бири янада яхшироқ ҳаёт тарзини, иш билан тўлиқ бандликни, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва ривожланиш учун шароитларни таъминлашдан иборатдир. Бу вазифа ижроси билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимининг 70 фоиз фаолияти машғулдир. Ушбу фаолият асосида - қашшоқликни бартараф этиш ва ҳамма жойда инсонлар фаровонлиги даражасини ошириш - бутун дунёда мустаҳкам тинчликни таъминлаш шароитини яратиш ёълидаги зарур қадамларга ишонч ётади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тараққиёт ишини рағбатлантириш борасида ноёб афзалликларга эга. Унинг фаолият доираси бутун дунёни камраб олади, кенг кўламли мандати эса ижтимоий, иқтисодий ва

фавқулудда эҳтиёжларни қондиришни кўзда тутди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аллақимларнинг тор доирадаги миллий ёки тадбиркорлик манфаатларининггина ифодачиси эмас. Муҳим стратегик қарорларни тайёрлашда барча мамлакатлар, бой ва камбағаллар қатнашадилар.

Кун тартибини тайёрлаш

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тараққиёт манфаатлари ёълидаги саъй-ҳаракатлар борасидаги халқаро консенсусни ишлаб чиқишда ҳал қилувчи рол ўйнайди. 1960 йилдан бошлаб Бош Ассамблея Тараққиётнинг қатор ўнйилликлар халқаро стратегияси доирасидаги биринчи даражали ишлари ва вазифаларининг кун тартибига қўйилиш тарзини аниқлашга ёрдам бермоқда. Бу ўнйилликлар дастури диққат-эътиборида аниқ масалалар турибди, унда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг барча ёъналишлари бўйича тараққиётга эришиш зарурияти шубҳасиз таъкидланади. Ривожланишнинг тўртинчи ўнйиллиги (1991-2000 йиллар) доирасида қуйидаги тўрт соҳа: қашшоқлик ва очлик, инсон ресурслари ва институтсионал (белгиланган қоида ва тартиблар асосидаги) ривожланиш, халқ ва атроф муҳит кабиларга устуворлик берилади.

Қатор бутунжаҳон конференциялари ўтказиш туфайли маориф (1990 йил), атроф муҳит ва ривожланиш (1992 йил), инсон ҳуқуқлари (1993 йил), халқ, тараққиёт ва табиий офатлар хавфининг камайиши (1994 йил), ижтимоий тараққиёт (1995 йил), хотин-қизлар мавқеини яхшилаш (1995 йил), аҳоли пунктлари (1966 йил) ва озиқ-овқат хавфсизлиги (1996 йил) каби қатор соҳалардаги глобал муаммоларни ҳал этишнинг амалий ёъллари белгилаб олинди. Ҳозирги вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзо-мамлакатлар билан яқин ҳамкорликда шу конференцияларда қабул этилган қарорларни амалга ошириш билан шуғуullanмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти барқарор ривожланишни ташкил этиш, аёллар мавқеини яхшилаш, инсон ҳуқуқларига амал қилиш, атроф муҳитни муҳофаза этиш ва оқилона бошқариш каби ривожланиш соҳасидаги

катор янги муҳим вазифаларни ишлаб чиқиш, шунингдек, уларни амалга ошириш дастури яратиш учун жавоб берди.

Тараққиёт мақсадларидаги ёрдам

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизими - шу жумлага кирадиган Ташкилотнинг ўзи, унинг ихтисослаштирилган муассасалари, дастурлари ва жамғармалари ижтимоий-иқтисодий ютуқларни қўлга киритишга ёрдам беришда кўпқиррали фаолият олиб бормоқда. Ихтисослаштирилган муассасалар (охирги берилган рўйхатга қаранг) мандати ижтимоий-иқтисодий фаолиятнинг қарийб барча жабҳаларини қамраб олади. Бу муассасалар дунёнинг барча мамлакатларига техник ёрдам кўрсатади ва уларга бошқа шаклларда амалий ёрдам беради. Улар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда фаолият кўрсатиб сиёсатни ишлаб чиқишга, раҳбарлик тамойилларини аниқлашга, ёрдамлар ташкил этиш ва маблағ жалб қилишга кўмаклашади.

Масалан, Бутунжаҳон банки тараққиёт мақсадлари учун ҳар йили 25 миллиард АҚШ долларидан ортиқроқ ёрдамажратади. Ривожланаётган мамлакатлар бундай ёрдамлардан ўз иқтисодиётларини мустаҳкамлаш ва бозорларини кенгайтириш учун фойдаланадилар. Қарзлар фақат ҳукуматларга берилади, бироқ барқарор ўсиш даражасига эришиш мақсадида Банк маҳаллий жамоалар, илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларидан, шунингдек, Халқаро молиявий корпоратсиялар орқали хусусий сектордаги корхоналардан ҳам фойдаланишлари мумкин.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ихтисослаштирилган муассасалар ўртасидаги муомалаларни яқиндан мувофиқлаштириш - таркибига Бош котиб, ихтисослаштирилган муассасалар раҳбарлари ва атом энергияси бўйича Халқаро агентлик кирадиган координатсия бўйича Маъмурий комитет орқали таъминланади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Дастурлари ва Жамғармалари ўз фаолиятларини - Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги мандатини бажараётган Бош Ассамблея ҳамда

Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш раҳбарлигида олиб борадилар. Бу органлар ўртасидаги ҳамкорликнинг самарадорлигини ошириш учун Бош котиб 1977 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тезкор жамғармалари ва дастурларининг вакиллари таркибида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тараққиёт масалалари бўйича Гуруҳини ташкил этди.

Ижтимоий ва иқтисодий соҳада тараққиётни барқарор этиш саъй-ҳаракатларининг энг олдинги сафларида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тараққиёт дастури бормоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон потенциали барқарор ривожланиши учун ёрдам маблағлари - субсидий бериш бўйича кўптомонли йирик механизми бўлиб қолган бу ташкилот ўз саъй-ҳаракатларини техник ҳамкорлик ва қашшоқликни тугатиш томонга ёъналтирган ҳолда 174 мамлакат ва худудларда фаолият олиб бормоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимининг - болаларнинг ҳаёт кечириши, муҳофазаси ва ривожланишини таъминлаш бўйича узоқ муддатли, келажақдаги вазифаларни ҳал этиш билан шуғулланадиган етакчи ташкилоти ҳисобланади. Қарийб 150 мамлакатда амалга оширилаётган ЮНИСЕФ дастури диққат марказида эмлаш, биринчи медитсина-санитария хизмати, оқватланиш ва бошланғич таълим каби масалалар туради.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кўплаб бошқа дастурлари тараққиёт борасидаги ўз ишларини ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб боради. Жаҳон Озиқ-овқат дастури - асл моҳияти фавқулодда ёрдамдан, шунингдек Тараққиёт дастуридан иборат бўлиб, дунёдаги озиқ-овқатлар билан ёрдам кўрсатадиган энг йирик халқаро ташкилотдир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА) ҳам халқлар ва элатларга ёрдам берадиган йирик халқаро муассасадир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Атроф муҳит дастури (ЮНЕП) дунёнинг ҳамма бурчакларида табиатдан фойдаланишнинг энг илғор усулларини жорий этишга кўмаклашади, Бирлашган Миллатлар

Ташкилотининг Аҳоли пунктлари маркази (Хабитат) эса турмуш шароити саломатликларига таҳдид солаётган кишиларга ёрдам кўрсатади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Савдо ва тараққиёт бўйича конференцияси (ЮНКТАД) дунё экономикасида ривожланган мамлакатлар ролини эътироф этган ҳолда халқаро савдони ривожлантиришга ёрдам беради. ЮНКТАД шунингдек, Женевадаги халқаро савдо бўйича Марказ орқали тараққий этган мамлакатлардан экспорт қилиб келишга ёрдам берадиган, мустақил фаолият кўрсатадиган Бутунжаҳон савдо ташкилоти билан ҳамкорлик қилади.

Ресурслар бирлашмаси

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимидаги муассаса ва ташкилотлар ўзларининг компетенцияларидаги барча соҳаларни қамраб олган ҳолда ҳар қандай ёлғиз ҳаракат қилган мамлакатнинг қурби етмайдиган мураккаб муаммоларни ҳал этиш учун ўз куч-қудратларини яна ҳам яхшироқ жипслаштирмоқда.

Масалан, бутун дунёда 50 миллион киши касалликка чалинган эпидемия - ОИТСга қарши курашиш мақсадини кўзда тутган Бирлашган дастурни амалга оширишда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг олти муассаса ва дастурининг мутахассислари иштирок этмоқдалар. Харажатлари 25 миллиард АҚШ долларини ташкил этадиган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Африка бўйича 10 йилга мўлжалланган махсус Умумтизим ташаббуси асосий таълим, медитсина хизмати ва шу минтақада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадидаги умумий дастўрини амалга ошириш ишига Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг деярли барча бўлинмаларини жалб этади. БМТнинг тараққиёт дастури, ЮНЕП ва Бутунжаҳон банки томонидан бошқариладиган 2 миллиард АҚШ долларига тенг захирага эга бўлган Глобал экологик жамғарма тараққий этаётган мамлакатларга атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги уларнинг дастурларини амалга оширишга ёрдам беради.

1998 йили ЮНИСЕФ, БМТнинг тараққиёт дастури, Бутунжаҳон банки ва Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ўз саъй-ҳаракатларини бирлаштириб ҳар йили 1 миллиондан ортиқроқ одамнинг ёстиғини қуритаётган касаллик - безгакка қарши кураш бўйича янги компанияни амалга оширишга киришдилар.

1998 йили ЮНИСЕФ, БМТнинг тараққиёт дастури, Бутунжаҳон банки ва Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотилар йили 1 миллиондан ортиқ одамни нобуд этаётган безгакка қарши янги кампания эълон қилиш учун кучларини бирлаштирдилар. Эмлаш ишларини кенгайтириш ва ОИТСга, безгакка ва силга қарши янги вакциналар яратиш борасидаги ташаббуслар, ЮНИСЕФ, Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва Бутунжаҳон банки сингари, тадбиркорлик соҳаси билимдонларини, филантропик ташкилотларнинг ва ҳукуматларнинг ҳам қўллаб-қувватлашларига сазовор бўлди. Бу каби ҳамкорликка халқаро ташкилотлар, ҳукуматлар, академик институтлар, жамғармалар, ноҳукумат ташкилотлари ва яна ҳам кенгрок микёсда хусусий сектор жалб этилмоқда.

БМТдаги ислоҳотлар: 1997-2002 йиллар

Кофи Аннан 1997 йил БМТ Бош қотиби лавозимида вазифасини бажаришга киришиши билан БМТ фаолиятини янада яхшилашга ва ўзидан олдинги раҳбарлар бошлаган ислоҳотларнинг тўла амалга ошишига ёъналтирилган тезкор чоралар кўришга киришди. Дастлабки олти ойда Бош қотиб ходимларнинг вазифалари ўртасидаги ўзаро такрор ҳолатларга барҳам бериб, мувофиқлаштириш ва ҳисобот беришни яхшилаш мақсадида, БМТ тармоқларидаги ташкилий тизимни бирлаштирди ва Ташкилотнинг етакчи раҳбарлари маҳкамасини тузди. Бу ислоҳотлар БМТнинг энг асосий қисми - унинг ходимлари ишини яхшилашга ёъналтирилган эди.

Сўнгги йилларда Бош қотиб тинчликни сақлаш бўйича оператсияларни ислоҳ қилиш жараёнига раҳбарлик қилиб, инсон ҳуқуқлари ҳимояси БМТ фаолиятининг барча асосий соҳаларига киритилди. Фуқаролик жамияти ва хусусий секторнинг ривожланиш ва халқаро фаолият масалаларига янгича

таъсири эътиборга олинган ҳолда, мазкур соҳалар билан ҳамкорликнинг янги шакллари ёълга кўйилди.

2000 йили давлат ва ҳукумат раҳбарлари йиғилишлари тарихидаги энг катта - минг йилликнинг эпохал Саммити ўтказилди. Янги асрда жаҳон миқёсида амалга оширилажак қатор мақсад ва вазифалар аниқ белгилаб кўйилган мисли кўрилмаган келишув - БМТ Минг йиллик декларатсиясига имзо чекилиши Саммитнинг энг йирик натижаси бўлди.

Ислохот жараёни шунчаки ўзгартишлар мажмуидангина иборат эмас: ислохотлар сабаб мазкур халқаро орган фаолиятдан кенг очиклик, батартиблик, янгиланиш ва ишонч маданияти жой олди. Бу жараён йигирма биринчи асрда ҳам БМТ фаолиятидаги серқирраликни сақлаб қолиш ва таҳдидларига муносиб жавоб бериш учун Бирлашган Миллатлар ташкилотини сезиларли даражада ўзгартириш учун имкон яратди.

Кайта ташкил этиш

Бош котибнинг БМТ ташкилий тизимини оқилона ташкил этишга қаратилган илк қадами унинг бу лавозимдаги биринчи муҳлатининг дастлабки ойидаёқ - 1997 йил январида амалга оширилди. БМТнинг ўттизта департаменти, жамғарма ва дастури соҳалар бўйича тўртта тармоқ: тинчлик ва хавфсизлик, гуманитар масалалар, ривожланиш, иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича гуруҳларга бирлаштирилди. Бу гуруҳларнинг ишини мувофиқлаштириш учун ижройи кўмита ташкил этилди (ижройи кўмита аъзоларининг рўйхатига қаранг). Бир пайтнинг ўзида 1996 йилида бўш турган мингга яқин лавозим бутунлай бекор қилинди.

Кейинчалик ижройи кўмиталар етакчи раҳбарлар гуруҳлари орқали Бош котиб девони билан тўғридан-тўғри боғланадиган бўлди. Гуруҳлар "маҳкамаси"га БМТнинг барча департамент, жамғарма ва дастурлари раҳбарлари киради.

III-боб. Ўзбекистон ва БМТ ихтисослашган муассасалари ўртасида гуманитар соҳадаги ҳамкорлик.

3. Илм-фан, таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорлик.

Ташкилий тизимни соддалаштириш учта департаментни Иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича департаментга бирлаштириш ҳамда БМТ Жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноятни оқилона судлаш бўйича бўлими билан БМТ Гиёҳвандликни назорат қилиш бўйича дастўрини Гиёҳвандлик ва жиноятчилик бўйича бошқармага бирлаштириш орқали амалга оширилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича марказ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар Бошқармаси таркибига кирди. Инсон ҳуқуқлари бўйича идоранинг йириклашиши билан бир вақтда етакчи раҳбарлар гуруҳлари ва ижрои кўмиталар ёрдамида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш фаолиятини тинчлик ўрнатиш ва ривожлантириш фаолияти, шунингдек, БМТ ишининг бошқа соҳаларига киритишга қаратилган чоралар кўрилди. Йириклаштириш мамлакатлар даражасини ҳам четлаб ўтмади. БМТнинг "мамлакатлар бўйича гуруҳлари" ривожланаётган, иқтисодиёти ўтиш жараёнида ҳамда кризис ҳолатида бўлган 134 давлатда БМТ жамғармалари, дастурлари ва махсус муассасалари ишини амалга оширади. 1997 йилгача уларнинг ҳар бири асосан алоҳида идорага эга эди. "Мамлакатлар бўйича гуруҳлар"га маблағни тежаш ва ҳамкорликликдаги ишнинг янада самарадор бўлишини таъминлаш, энг муҳими, ушбу давлатларда БМТнинг ягона қиёфасини яратиш мақсадида идоралар ва хизмат кўрсатувчилардан биргаликда фойдаланишга иложи борича тезкорлик билан ўтиш топширилди.

Ривожланаётган мамлакатларнинг ҳар бирида БМТнинг ҳозир учта ва ундан ортиқ ташкилоти фаолият кўрсатаётган 50 дан ортиқ умумий Уйи мавжуд. Бундан ташқари, бугун БМТнинг Интернетга умумий боғланиш ва умумий хизмат кўрсатувчилар хизматидан фойдаланиш имконига эга 30 дан ортиқ БМТ виртуал Уйи фаолият кўрсатмоқда. БМТ "мамлакатлар бўйича

гурухлари" бундай йириклаштириш туфайли юз минглаб долларнинг тежалиши ҳақида маълумот берди.

Айни пайтда, 1997 йили Бош котиб БМТ резидент-мувофиқлаштирувчиларга, мамлакатлардаги ишлар режасини мувофиқлаштириш ва ҳар бир мамлакатда БМТ фаолиятини "ягона байрок остида" олиб бориш мақсадида, янада кенг ваколатлар берди. Координатсияни енгиллаштириш ва БМТ ёрдамнинг ушбу кўмак берилаётган давлатлар стратегияси ва приоритетлари билан янада кенгрок мосланишига эришиш мақсадида яна иккита кўшимча ёъл очилди: мазкур мамлакат талабларини ўрганувчи Мамлакат аҳволини умумий баҳолаш ва ривожланиш ҳамда БМТ конференцияларида қўйилган вазифаларни бажаришни қўллаб-қувватлаш бўйича мамлакатларга кўмаклашиш ишларини БМТ муассалари ўртасида тақсимловчи БМТнинг Ривожланиш ёълида ёрдам кўрсатиш бўйича андазавий дастури. 2002 йил июлига келиб 106 мамлакатнинг аҳволини баҳолаш ниҳоясига етди, 32 мамлакатнинг аҳволини баҳолаш жараёни давом этиб (улардан бир нечтаси қайтадан баҳоланади), 69 та ривожланиш ёълида ёрдам кўрсатиш бўйича андазавий дастури тузилган, яна 26 таси тузилиш жараёнида эди.

ВИЧ-ОИТСга қарши кампания муайян мамлакат даражасидаги ҳамкорликнинг яққол намунасидир. Кишилиқ тарихидаги энг қийин эпидемия, деб аташ мумкин бўлган бу ўлатга қарши муваффақиятли курашиш, ўзининг маданий, ижтимоий, тижорий ва технологик жиҳатларига кўра, БМТнинг бир-иккита эмас, балки, кўплаб муассасалари иштирокини, шунингдек, жамоат ташкилотлари ёрдами ва маҳаллий фирмаларию транснатионал фарматсевтика компаниялари билан ҳамкорликкача бўлган кўп қиррали ёндашувни кўзда тутуди, албатта.

ВИЧ-ОИТСга қарши бирлаштирилган дастур (ЮНЕЙДС) ўз фаолиятини 1996 йили БМТнинг олти муассасаси - БМТ Тараққиёт бўйича дастури, БМТ Таълим, фан ва маданият бўйича ташкилоти, БМТ Аҳолишунослик бўйича жамғармаси, БМТ Болалар жамғармаси, Жаҳон

соғлиқни сақлаш ташкилоти ва Жаҳон банки кўшма лойиҳаси сифатида бошлади. Шу ўтган давр мобайнида бу асосий гуруҳга Халқаро меҳнат ташкилоти ва БМТнинг Гиёҳвандлик моддаларини назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича бошқармаси ҳам қўшилди, БМТ бошқа органларининг кўпчилиги БМТнинг ВИЧ-ОИТСга оид гуруҳига муайян мамлакатлар миқёсида бирлашган стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасида қўшилди. 2001 йили БМТ тизимида янада юқори ташкилий миқёсда - ОИТСга қарши кураш бўйича бюджет ва БМТнинг 29 жамғарма, дастур ва муассасаси иш режасини бирлаштирган БМТнинг ОИТС бўйича бирлашган режаси тузилди.

БМТ тизими муассасалари фаолиятини жонлантиришга қаратилган асосий тадбир 1944 йили Бреттон-Вудсда асос солинган институтлар билан алоқани ривожлантириш бўлди. Бир тарафдан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, иккинчи томондан Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси ўртасидаги ҳамкорлик Иккинчи жаҳон урушидан кейинги давр кўп қиррали фаолият асосчилари томонидан режалаштирилган даражага етмаган эди. 1998 йилдан бошлаб БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши Бреттон-Вудс институтлари молия вазирлари билан туркум йиллик учрашувлар ўтказди. Бу муҳим бурилишлар 2002 йили Монтерреда (Мексика) БМТ томонидан Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси ҳамда Жаҳон савдо ташкилотининг фаол иштирокида ташкил этилган Тараққиётни маблағ билан таъминлаш бўйича халқаро конференцияда эришилган ютуқлар учун муҳим омил бўлди.

Тинчлик ўрнатиш фаолияти

1999 йилнинг сўнгида Бош котиб БМТга аъзо давлатлар ва халқаро фуқаро хизматчиларни халқаро ҳамжамиятнинг 1994 йил Руандадаги генотсиднинг ва 1995 йили Сребренитса қулашининг олдини олиш борасидаги ўринишлари бесамар кетганлигини эътироф этишга чақирди. Бундан кейинги тинчлик ўрнатиш оператсияларини ўтказиш бўйича амалий ва амалга оширилиши мумкин таклифларни ишлаб чиқиш учун махсус танлаб олинган экспертлар кенгаши чақирилди ва 2000 йил августида, Минг

йиллик саммити арафасида БМТга аъзо давлатларга мазкур кенгаш раиси Лахдара Брахими номи билан аталган "Брахими Маърузаси" жўнатилди.

Кенгаш халқаро ҳамжамият томонидан баъзи тинчликни таъминлаш оператсиялари, шунчаки, "мендан кетгунча, эгасига етгунча" қабилида, ҳатто, адолатли ишни амалга оширишга иродаси бўлмаганда ҳам ёки қандай тадбирлар амалга оширилиши зарурлиги ҳақида келишиб олинмасдан туриб, амалга оширилган, деган фикрга келди. Тўғриси айтганда, Брахими Маърузаси чала-ярим чоралардан воз кечиб, истакни ҳақиқат ўрнида кўришдан аниқ ва кенг миқёсда қўллаб-қувватладиган амалий режаларга ўтишга чорлади. Кенгаш, муваффақиятли ҳаракатларга замин ёқ бўлса, яхшиси, умуман ҳеч қандай оператсия ўтказмаслик лозимлигини; ҳаракатлар амалга ошириладиган бўлса, оператсиялар яхши таъминланган ва кучли мададга эга бўлиши керак, деган фикрни билдирди.

Маърузада ишончли ҳарбий иштирокка зарурат туғилса, кўп сонли, яхши қуролланган ва яхши ўргатилган қўшин қўллаш лозимлиги тавсия этилган. Кенгаш тинчлик ўрнатиш миссияларини қўллаб-қувватлаш учун масъул бош қароргоҳлардаги ходимлар сонини кўпайтириш ва БМТга аъзо давлатлар, айниқса, Ғавфсизлик Кенгаши аъзолари томонидан сиёсий, молиявий ва моддий жаиҳатдан янада кучлироқ қўллаб-қувватланиши лозимлигини исботлаб берди. Шу билан бирга, Кенгаш тинчлик ўрнатувчиларнинг жойлардаги ва бош қароргоҳларлардаги ҳаракатларини баҳолашнинг янада қатъийроқ андазаларини белгилаб берди.

Бош Ассамблея Тинчликни сақлаш бўйича оператсиялар департаменти ходимлари сонини 50 фоизга ошириш ва БМТнинг Бриндизидаги (Италия) Моддий-техник таъминот базасини таъминлашга қарийб 150 миллион АҚШ доллари ажратишни маъқуллаб, маърузага ўзининг илиқ муносабатини билдирди. Котибият маъмурий ва таъминот масалаларида янада тезкорликни таъминлаш учун жойларга янада кенгроқ ваколатлар берди.

2001 йил 11 сентябр воқеалари юз бериб, Афғонистонда Толибон тузумининг қулашидан сўнг халқаро ҳамжамият Бирлашган Миллатлар

Ташкилотига сиёсий келишувга эришишда воситачи бўлишни сўраб, илтимос қилди. Бош котиб номи зикр этилган маърузадан сўнг Лахдар Брахимидан илк бор янги тинчлик ўрнатиш оператсиясини режалаштириш ва амалга ошириш жараёнига раҳбарлик қилишини сўради. Бош котиб, ушбу маъруза руҳи ва моҳиятидан келиб чиқиб, Хавфсизлик Кенгашига жойлардаги вазиятнинг ривожига БМТ қай ёсинда яхшироқ таъсир кўрсатиши зарурлиги ҳақида холис тавсиялар берди. У, "зангори каскаларни" жўнатиш ўрнига, БМТга асосий сиёсий рол берилиб, бу давлатдаги сиёсий, гуманитар ва ривожланиш ҳаракатларини бирлаштириш учун БМТнинг Афғонистонга кўмак бўйича ихчам миссиясини (БМТАКМ) тузишни таклиф қилди. Бонн келишувини амалга оширишдаги муваффақиятли воситачилик, хавфли даражага етаётган гуманитар ҳалокатнинг енгиллашиши ҳамда Афғонистон муваққат маъмуриятининг ташкил этилиши бундай ёндашувнинг самарасидан далолатдир.

Янги тинчлик ўрнатиш стратегияси ва доктринаси 2002 йил 20 майда Шарқий Тимор мустақиллиги эълон қилиниши билан муваффақиятли яқунланган БМТнинг Шарқий Тимордаги Муваққат маъмурияти (БМТШТММ) ва шу каби май ойида осойишталикда сайлов ўтказилиб, янги ҳукумат тузилган Серра-Леонда қўлланилди. БМТнинг Серра-Леонни қўллаб-қувватлаш миссияси бундай бурилиш учун замин яратиш ҳамда 47 000 нафардан ортиқ қўзғолончини қуролсизлантириш ва демобилизатсия қилишда кўмак берди.

Ходимлар ва бошқарув

2002 йил 1 майдан бошлаб ходимларни танлаш, жойлаштириш ва мансабини кўтаришнинг янги тизими жорий этилди. Бунда уларнинг муайян лавозимда ишлаган муддати ва қайси ташкилотдан келганлигига эмас, кўрсатган хизмати ва лавозимига муносиблигига кўпроқ эътибор бериладиган бўлди. Дастурлар раҳбарлари, кадрларга оид янги механизм умумий "пакети"нинг бир қисми бўлмиш ушбу тизим доирасида ҳамда Бош котиб билан тузилган ва уларнинг эришилажак натижа учун масъулиятини

назарда тутувчи шартнома асосида, ходимларни ўзлари мустақил равишда танлаш ваколатига эга бўлади. Шу тарика, ўзгартишлар Бош котиб томонидан амалга ошириладиган қарор қабул қилишда масъулиятни қуйи, ҳатто, оператив ходимлар даражасигача оширишга ёналтирилган ўзгартиришлар умумий оқимида кечмоқда.

Бош котибнинг Бош Ассамблеяга 2000 йил августда тақдим этган "Инсон ресурсларини бошқаришга оид ислохот" (А-55-253) маърузасидаги содалаштирилган жараёнлар ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш давом этиши билан изоҳланади. БМТнинг амалда ўз ходимлари орасида турли мамлакатлар фуқаролари вакиллариининг бўлишига эришиш ҳамда юксак малакали ходимлардан воз кечмаган ҳолда гендер балансини яхшилаш тарафдори эканлиги ходимларни ишга қабул қилиш борасидаги қарорлар бошқа ташкилотлардаги каби тез қабул қилинмаслигини англатади. Лекин сўнгги йилларда ишга ёллаш жараёнининг ўртача чўзилиши 400 ва ундан ортиқ кунни ташкил этди. Бу эса ҳаддан зиёд кўпдир. Янги қабул қилинган танлов тизимида ишга қабул қилиш жараёни қарийб 90 кунни ташкил этиши белгилаб қўйилган. Инсон ресурслари бошқармаси, бундан ташқари, ходимларнинг мансабини кўтаришга оид масалани узоғи билан икки ҳафта ичида тасдиқлаши ва амалга ошириши лозим.

Барча бўш ўринлар ҳақидаги маълумотлар БМТ веб-сайтига жойлаштириладигани туфайли жараён янада очикроқ кечади. Бош котибнинг инсон ресурсларини бошқариш масалаларига оид маърузасида Котибиятнинг 7469 доимий ходимининг мобиллиги масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган эди. Турли малакали ходимлардан ташкил топган янада универсал фуқаролик хизматини ташкил этиш мақсадида ходимларнинг муайян лавозимни эгаллаб туриш муддати чегараланади; бош қароргоҳлардан узоқда жойлашган жойларда ишловчилар алоҳида рағбатлантирилади; бундан ташқари, ходимларни ўқитишга оид қўшимча дастурлар киритилади ва мавжудларининг даражаси янада яхшиланади.

Бошқа тарафдан эса БМТ бошқарув звеноси ходимлари ҳозир инсон ресурсларини бошқариш соҳасидаги тезкор ўқув курсларидан ўтишлари лозим. Бу эса кадрлар билан ишлаш сифатини оширишни кўзда тутиб биринчи бор амалга оширилаётган ишга қўшилажак муҳим ҳиссадир. Бундан ташқари, ходимларни аттестатсиядан ўтказишнинг янги тизими жорий этиляпти.

2001 йил охирида ички одилона судлаш тизимини мустаҳкамлаш мақсадида дискриминатсия ва бошқа арзлар бўйича масалаларни кўриб чиқиш билан шуғулланиб келган гуруҳ ўрнига, ишлаб чиқаришга оид можароларни ҳал этишда воситачилик вазифасини амалга оширувчи омбудсмен бошқармаси тузилди. Бош котиб илк омбудсмен лавозимига Патритсия Дюррантни тайинлади. Унинг вазифасига яраштирув тадбирларини ўтказиш, норасмий воситачилик, томонлар ўртасидаги баҳсларни ечиш ва арзларни ҳал этишнинг расмий жараёнгача етиб бормаслигининг олдини олишда ҳар қандай бошқа маъқул келувчи усуллардан фойдаланиш киради.

Сўнги ўн йилликлар мобайнида БМТ ходимларига бўлаётган таҳдидлар сони ортаётгани Бош котиб томонидан ходимлар хавфсизлигини таъминлаш борасида тезкор чоралар кўрилишини тақоза этди. 2000 йили у БМТнинг барча бўлимлари учун жойларда хавфсизликни таъминлашга доир зарур режалаштириш, ходимларни ўқитиш, алоқа воситалари ва жиҳозларнинг асосий андазалари даражасини жорий этиш орқали икки йиллик БМТ хавфсизлик тизимини мустаҳкамлаш дастўрини ўтказиш тўғрисидаги фармойишни қабул қилди. 2002 йил июнидан буён юзга яқин хавфсизлик хизмати ходими тайёрланиб, жойларга юборилди.

Фуқаролик жамияти ва ишбилармон доиралар

1990 йилларда ривожланган давлатлардан ривожланаётган давлатларга берилаётган расмий (ҳукумат кўмаги ва қарзлар) ҳамда хусусий (савдо-саноат компаниялари маблағлари, ҳиссадорлик капитали шаклида маблағ ажратиш) молиявий маблағ манбалари ўртасидаги нисбатда мисли

кўрилмаган ўзгаришлар рўй берди. Бу борада 1981-1990 йилларда расмий маблағ ажратиш барча маблағларнинг ўрта 60% ни, хусусий манбалардан ажратмалар эса 40% ни ташкил этган бўлса, 1991-95 йилларда хусусий сармоя 80% гача ўсган, расмий сармоянинг хиссаси эса 20% гача пасайиб кетган эди.

Бош котиб Кофи Аннан, ривожланиш истиқболини асосан хусусий сектор белгилаб бераётганини ҳисобга олиб, ишни савдо ва сармоялар ўсиши борасидаги фаолликни янада рағбатлантиришга қаратилган тадбирларни амалга оширишдан бошлади. 1997 йилда у глобаллаштириш афзалликларидан биринчилар қаторида манфаат кўра бошлаган корпоратсияларни "жаҳон фуқароси" сифатидаги масъулиятни ҳам зиммасига олишга чақирди. Кейинчалик уларга Глобал шартнома имзолаш таклиф этилди. Мазкур ҳужжатга биноан унга имзо чеккан ишбилармон тизимлар БМТнинг инсон ҳуқуқлари, меҳнат стандартлари ва атроф муҳитга оид муҳим кадриятларини тарғиб этишга қаратилган фаолиятни амалга ошириши лозим. 2000 йилнинг июлида Бош котиб билан Глобал шартномага бағишлаб ўтказилган биринчи учрашувда таниқли фуқаролик жамияти ва халқаро меҳнат ташкилотларининг элликдан ортиқ раҳбари иштирок этди. Унда компаниялар раҳбарлари Бош котиб томонидан илгари сурилган ғоя ўз компаниялари раҳбарияти томонидан маъқулланганини маълум қилди. Шундан буён номи зикр этилган Шартномани имзолаган фирма ва корхоналар сони 300дан ошиб кетди.

Айни пайтда, БМТ фаолияти турли хасталик, қашшоқлик ва ҳалоқатлар оқибатини тугатишга қаратилган фуқаролик жамияти ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорликни давом эттирди. Улар билан амалий алоқалар янада мустаҳкамланиб, нодавлат ташкилотларнинг (НДТ) ҳукуматлараро жараёнлардаги иштироки ёълга қўйилди. Баъзи давлатлар ҳукумати ҳозир бундай ташкилотларни вакилларини ўзининг Бош Ассамблея доимий сессияларида иштирок этувчи делегатсиялари таркибига киритмоқда, халқаро конференция ва махсус сессияларда эса бундай тажриба ўзининг

янада кенг ифодасини топмоқда. Фуқаролик жамиятига оид ташкилотлар раҳбарлари ва экспертлар умумжаҳон конференцияларига тайёргарликка бағишланган учрашувлар ва конференцияларда кечадиган музокараларда ўз фикр-мулоҳазаларини янада фаолроқ айтишга киришган.

Фуқаролик жамиятлари гуруҳлари, БМТ билан тобора мустаҳкамланиб бораётган алоқаларидан фойдаланиб, ўзининг халқаро ҳаётдаги мавқъэини янада ошириб, воқеалар ривождаги таъсирини тағин ҳам кўтариши мумкин. Ривожланаётган давлатларнинг ўз қарзини тўлашини енгиллаштиришга оид халқаро режанинг тузилишига сабабчи бўлган 2000 йил юбилей кампанияси ва пиёдаларга қарши миналарни таъқиқлашга қаратилган беш йиллик халқаро кампаниядан кейин ҳукуматлар тегишли конвенцияни имзолаганликлари шундан далолатдир. Фуқаролик жамияти ташкилотлари инсон ҳуқуқлари нормаларини жаҳон миқёсида кенг ёйиш ҳаракатида ва Халқаро жиноят судини тузишда муҳим рол ўйнади. БМТнинг фуқаролик жамияти ва хусусий сектор билан ўзаро ҳамкорликка янгидан кенг қучоқ очиши туфайли бошқа соҳаларда ҳам катта муваффақиятларга эришилди. 2000 йили бешта етакчи фарматсевтика компанияси ОИТС тарқалишидан катта талофот кўраётган ривожланаётган мамлакатларни мазкур касалликка қарши антиретровирал дори-дармон билан кўпроқ таъминлаш стратегиясини ишлаб чиқиш масаласида БМТ муассасалари билан мулоқотга жалб қилинди. Фуқаролик жамияти ташкилотлари фарматсевтика компанияларига кўрсатган таъсир ва Бош котибнинг бу масалани соҳа компаниялари билан муҳокама этиш чоғидаги қатъияти қатор мамлакатларда дори-дармон нархининг кескин тушишига олиб келди. Бунда дори-дармоннинг юқори сифатли, мўлжалланган манзилга аниқ етиб бориши ва арзон дори-дармондан фойдаланиш учун зарур бўладиган асосий клиник инфратизимнинг таъминланиши борасида зарур чоралар кўрилди.

Бош Ассамблеянинг 2001 йил июнида ВИЧ-ОИТС бўйича ўтган махсус сессияси арафасида амалга оширилган яна бир тадбир - ҳозир ОИТС, безгак ва сил касаллиги бўйича глобал жамғарма, деб аталувчи жамғарманинг

ташкил этилиши бўлди. Жамғарманинг ташаббускори бўлган Бош котиб Кофи Аннан унинг, аввало, давлат муассасалари ва фуқаролик жамияти ташкилотлари ҳамда хусусий сектор ўртасида ўзига хос кўприк бўлишини назарда тутган.

Ахборот-коммуникатсия технологияларига доир яқинда ташкил этилган махсус гуруҳдаги олий технологиялар соҳасида фаолият юритувчи техник экспертлар, фуқаролик жамияти ташкилотлари етакчилари ва компаниялар раҳбарлари мазкур соҳалар бўйича дунё мамлакатлари ўртасидаги мавжуд узилишларга барҳам бериш ишига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

1997 йили Тед Тернер БМТ ўз олдига қўйган мақсадларга эришишида кўмак кўрсатиш учун 1 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратажагини маълум қилди. Бунинг натижаси ўлароқ 1998 йилнинг мартада Халқаро ҳамкорлик жамғармаси (БМТХЎЖ) тузилди. БМТнинг Т. Тернер хайр-эҳсони ҳисобидан тузилган Жамғарма- жамоат ҳайрия ташкилоти сифатида 2002 йилда талай ишларни амалга оширди. Жумладан, Жамғарма ўз дастурларида болалар соғлиғини сақлаш, аҳолишунослик, аёллар, атроф муҳит, тинчлик, хавфсизлик ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун 484 миллион доллар ажратишни кўзда тутди. Жамғарма корпоратсиялар, фондлар ва саҳоватпарвар ташкилотлар билан мавжуд муносабатларни мустаҳкамлаб, янгилари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатмоқда, хусусий секторга ҳамкорликнинг янги жабҳаларини таклиф этмоқда.

Кофи Аннан Бош котиб лавозимига иккинчи марта сайланганидан сўнг Минг йиллик декларатсиясида белигила берилган вазифаларни амалга оширишни Котибият ўз фаолиятининг бош мақсади сифатида қабул қилиши лозимлиги ҳақида кўрсатма берди. Котибият халқаро ҳамжамиятнинг бу борадаги фаоллигини қўллаб-қувватлашга оид хатти-ҳаракатларини кучайтирди. Минг йиллик декларатсиясида белгиланган ривожланиш ёълидаги мақсадларини амалга ошириш борасида қандай ишлар амалга

оширилиши лозим ва уларнинг ижроси учун кимлар масъуллиги қайд этилган ва барча амал қилиши лозим бўлган ёъналишларни аниқлаш 2000 йилнинг сентябрида бошланган эди. Бир йил ўтгач, ривожланиш ёълидаги мақсадларининг бажарилиш жараёнига оид дастлабки йиллик ҳисобот чоп этилди. Унда ривожланишга оид саккиз соҳаси бўйича жаҳон миқёсида ва муайян минтақаларда эришилган ижобий натижалар ёки бой берилган имкониятлардан далолат берувчи асосий тендентсиялар ўз ифодасини топган эди. Амалга оширилган ишлар ҳақидаги бундай ҳисоботлар 2015 йилгача ҳар йили чоп этиб борилади.